

**2020 ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ ЧОРАГИДА
COVID-19/КОРОНАВИРУС
ИНФЕКЦИЯСИНИНГ КИЧИК ВА ЎРТА
БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИГА ТАЪСИРИНИ
ЎРГАНИШ**

2020 йилнинг иккинчи чорагида COVID-19/коронавирус инфекциясининг Ўзбекистон Республикасидаги кичик ва ўрта бизнес корхоналарига таъсири Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази томонидан Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт дастури кўмагида ўрганилди.

Ушбу нашрда билдирилган фикрлар ва хулосалар фақат муаллифларнинг нуқтаи назарини ифода этади ва БМТнинг, шу жумладан БМТ Тараққиёт дастурининг ёки БМТга аъзо мамлакатларнинг расмий нуқтаи назари ҳисобланмайди.

БМТТД 170 га яқин мамлакат ва ҳудудларда фаолият олиб бориб, турмуш даражасини яхшилаш, тенгсизликни камайтириш ва инклюзив жамият яратишга кўмаклашади. Биз давлатларга ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишда, ҳамкорлик имкониятларини кенгайтиришда, институционал салоҳиятни ривожлантиришда ва ривожланиш натижаларини сақлаб қолиш учун мамлакатларда барқарорликни оширишда ёрдам берамиз. БМТТДнинг Ўзбекистонга кўмаги ўзаро боғлиқ бўлган умумий мақсадларга эришишга, жумладан, барқарор иқтисодий ривожланиш, самарали давлат бошқаруви, иқлим ўзгаришига мослашиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ислохотларни жадаллаштиришда Ҳукуматни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Мундарижа

Қисқача мазмун	4
Диаграммалар ва жадваллар рўйхати	10
Қисқартмалар рўйхати.....	11
Асосий тушунчалар	12
Кириш.....	13
1. COVID-19 тарқалишининг иқтисодий таъсирининг қисқача шарҳи	14
2. COVID-19 тарқалиши шароитида кичик ва ўрта корхоналар ҳолатини таҳлил қилиш	17
Пандемиянинг компанияларнинг умумий фаолиятига таъсири	17
COVID-19 пандемиясининг товар ва хизматларни сотишга, даромадга таъсири	18
Ташкилотлар ходимларига таъсири	20
<i>Ходимларни масофадан ишлашга ўтказиш</i>	<i>20</i>
COVID-19 пандемияси даврида ходимлар ишининг узилиши.....	22
Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашдаги ўзгаришлар.....	23
Корхоналар томонидан кўрилган чоралар.....	24
<i>Ўтказиб берувчилар билан ўзаро муносабатлардаги ўзгаришлар</i>	<i>24</i>
<i>Харажатларни камайтириш йўналишида ўзгаришлар</i>	<i>24</i>
<i>Маҳсулот сотиладиган бозорлар / харидорлар / миқдорлар билан ишлашдаги ўзгаришлар</i>	<i>25</i>
<i>Компанияларни ривожлантириш режаларидаги ўзгаришлар</i>	<i>26</i>
<i>Пандемия ва карантиннинг бизнесга салбий таъсири рейтинги</i>	<i>27</i>
3. Ҳукумат томонидан кўрилган қўллаб-қувватлаш чоралари.....	31
4. Ҳукумат томонидан кўрилган чора-тадбирларни баҳолаш	31
5. Қўллаб-қувватлаш бўйича кейинги чоралар	35
Хулосалар ва тавсиялар.....	38
<i>1-илова</i>	<i>41</i>
Респондентларнинг демографик профили.....	41
Компаниялар ихтисослиги	42
Компаниялар ёши.....	44
Маҳсулот сотиладиган бозорлар	44
Ташкилотларда доимий ишлайдиган ходимлар сони.....	46
<i>2-илова</i>	<i>48</i>
Пандемиянинг Қорақалпоғистон Республикасидаги кичик ва ўрта корхоналар фаолиятига таъсири.....	48

Ушбу ҳисобот COVID-19 пандемиясининг, шунингдек мамлакат Ҳукумати томонидан амалга оширилаётган иқтисодий-сиёсий чора-тадбирларнинг Ўзбекистондаги кичик ва ўрта корхоналар ҳолатига таъсири бўйича Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази томонидан БМТТДнинг кўмагида амалга оширилаётган тадқиқот биринчи босқичининг натижаси ҳисобланади.

Ушбу ҳисобот учун асосий ахборот манбаи — коронавирус пандемиясининг кичик ва ўрта бизнес ҳолатига таъсирини ўрганиш ва 2020 йилнинг иккинчи чорагида бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича Ҳукумат томонидан кўрилган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаш мақсадида кичик ва ўрта корхоналар раҳбарлари ўртасида 2020 йил май-июнь ойларида ўтказилган сўровнома натижалари. 2020 йил 28 майдан 7 июнгача ўтказилган сўров жараёнида Ўзбекистоннинг барча 14 та ҳудуди вакиллари билан 887 та самарали интервью ташкил этилди. Кейинги сўров 2020 йил сентябр-октябрь ойларида ўтказилиши кутилмоқда.

COVID-19 пандемиясининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири

COVID-19 пандемияси Ўзбекистон иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатди. Расмий статистик маълумотларга кўра карантиннинг дастлабки ойларида 196 минг корхонада ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажмлари сезиларли даражада камайди, 95 мингга яқин яқка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини тўхтатди. Айниқса, хизмат кўрсатиш соҳаси катта зарар кўрди. Ушбу соҳада 13 мингта умумий овқатланиш корхонаси, 45 мингта савдо корхонаси, 19 мингта хизмат кўрсатиш корхонаси, 7 мингта транспорт корхонаси ўз фаолиятини тўхтатди ёки даромади сезиларли даражада камайди.

“Ўзбекистон фуқароларини тинглаш” лойиҳаси доирасида ўтказилган сўровлар натижаларига кўра карантин чоралари жорий этилиши 2020 йил апрель ойида аҳоли даромадлари даражасининг сезиларли камайишига сабаб бўлди. Бироқ май-июнь ойларида ушбу кўрсаткич тикланиши кузатилди. Кейинги 30 кун ичида иш ҳақи кўринишида даромадга эга бўлганлиги ҳақида хабар берган уй хўжалиқларининг улуши апрель ойида 16 фоизга камайди ва июнь ойида ўртача 2019 йил даражасига қайтди, бунда кўрсаткичларга аёлларга қараганда эркаклар орасида тезроқ эришилди. Апрель ойида хориждан бирор-бир пул ўтказмаларини олган уй хўжалиқларининг улуши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баравар камайди, шундан сўнг май ва июнь ойларида ушбу кўрсаткич бирмунча тикланди. Пул ўтказмалари оладиган мигрантлар оилаларида пул ўтказмаларининг ўртача ҳажми апрель ойида 21 фоизга камайди (сўмда, инфляция туфайли), бироқ кейинчалик май ойида Россия рубли мустаҳкамланганидан сўнг яна кўтарилди.

Пандемиянинг кичик ва ўрта корхоналарга соҳалар ва ҳудудлар кесимида таъсири

1. Ушбу тадқиқот доирасида кичик ва ўрта корхоналар раҳбарлари ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра бошқа мамлакатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам COVID-19 пандемияси туфайли биринчи навбатда туризм, меҳмонхона бизнеси ва умумий овқатланиш соҳасида фаолият кўрсатувчи компаниялар зарар кўрди. Айнан шу ерда талаб ва даромаднинг кескин пасайиши, фаолиятнинг оммавий тўхтатилиши қайд этилди, ходимлар тез-тез (айниқса, ҳақ тўланмайдиган ҳолда) таътилга чиқарилди ва ишдан бўшатилди, штатда қолган ходимлар иш ҳақи ва қўшимча тўловлар қисқартирилди.

2. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги энг кам зарар кўрди, бу ерда асосан иш давом этиши, иш ҳақи сақланиши ёки ҳатто оширилиши кузатилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб умуман аввалги даражада сақланиб қолди. Товарларни улар сотиладиган бозорларга етказиб беришдаги муайян қийинчиликлар сектор дуч келган асосий муаммо бўлди. Ушбу соҳадаги тадбиркорлар ўз келажагига оптимистик руҳда қаради.

Карантин даврида масофадан ишлашга ўтиш учун юқори салоҳиятга эгаллиги (иқтисодиётнинг бошқа секторлари билан таққослаганда), шунингдек, муайян турдаги ахборот-коммуникация хизматларига бўлган талаб ошганлиги туфайли ахборот ва алоқа сектори COVID-19 пандемиясидан энг кам зарар кўрган кейинги соҳа бўлди. Соҳадаги талаб ва даромад умуман олганда камайди, бироқ бу сезиларли даражада эмас. Ходимларнинг иш жойидан фойдаланишини таъминлаш ва транспорт харажатлари ошиши бу соҳада муҳим масалалардан бири бўлди.

3. Худудлар бўйича пандемия кўпроқ Сирдарё, Наманган, Навоий вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасининг корхоналарига зарар келтирди. Шаҳардаги корхоналар кескинроқ карантин чоралари кўрилгани сабабли қишлоқ жойлардаги корхоналарга қараганда кўпроқ зарар кўрди. Ҳам ички, ҳам ташқи бозорларда ишлайдиган корхоналар фақат ички ёки фақат ташқи бозорларда ишлайдиган корхоналарга нисбатан камроқ зарар кўрди. Бундай ҳолат кўпроқ маҳсулот сотиладиган бозор диверсификация қилинганлиги фойдасидан дарак беради.

Кичик ва ўрта корхоналар фаолиятига таъсир этувчи омиллар

4. Ҳисоботга кўра карантин эълон қилинган илк ойларда корхоналар фаолиятига куйидаги омиллар энг кўп таъсир кўрсатди: корхоналарнинг товарлари ва хизматларига бўлган талабнинг пасайиши; савдо йўналишлари / маҳсулот сотиладиган бозорларга чиқиш йўллари тўсилиши; асосан кўрилган карантин чоралари туфайли корхоналарнинг ёпилиши. Корхоналарнинг ёпилиши, талабнинг пасайиши, товарларни улар сотиладиган бозорларга етказиб беришдаги қийинчиликлар, шунингдек баъзи фирмалар ўз товарлари ва хизматлари нархларини пасайтиришга мажбур бўлганлиги (респондентларнинг 6,6 фоизи) улар даромадларининг пасайишига сабаб бўлди. Компания вакилларининг аксарияти уларнинг 2020 йилнинг биринчи ярмидаги соф даромади 2019 йилнинг шу даврига нисбатан камаяди, деб тахмин қилди.

Респондентлар харажатларнинг айрим турлари, биринчи навбатда транспорт харажатларининг ўсиши (респондентларнинг 18,5 фоизи) билан боғлиқ харажатлар, ходимларга ШХВ сотиб олиш учун харажатлар (9,5%) ошганлигини қайд этди. Шунингдек, солиқларни (17%), ижара ҳақи ва коммунал тўловларни (11,6%), кредитлар бўйича тўловларни (10,9%) тўлаш билан боғлиқ қийинчиликлар, ходимларни ишга ва ишдан уйга транспортда ташиш зарурлиги (15,8%) қайд этилди.



78%

РЕСПОНДЕНТЛАР
ТАДБИРКОРЛИК
ФАОЛИЯТНИ ДАВОМ
ЭТТИРМОҚДАМИЗ ДЕБ
ЖАВОБ БЕРИШГАН

респондентлар томонидан
талабнинг бир хил
даражада сақланиб
қолиниши қайд этилган

35%

ТАЛАБГА
ТАЪСИРИ

респондентлар
тарафидан талабнинг
пасайиши қайд этилган

24%

Инқироз даврида кичик ва ўрта корхоналар томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар

Тадқиқот компаниялар инқирозли вазиятларга қандай қилиб мослашганлигини, масофадан ишлашга ўтиш учун қандай чоралар кўрилганлигини ва бизнесни ривожлантириш режаларига қандай ўзгартиришлар киритилганлигини аниқлашга қаратилган.

5. Ҳисоботга кўра кўплаб компаниялар инқирозли вазиятга мослашиб кетган бўлса-да, иш жараёнларини масофавий режимга ўтказиб бўлмаслиги, Интернет ва зарур ускуналар йўқлиги каби сабаблар туфайли компанияларнинг деярли ярми масофавий форматга ўта олмади. Респондентларнинг қарийб ярми ходимлар тўлиқ ёки қисман масофадан ишлаш форматига ўтказилиши ҳақида хабар қилди. Бундай чора ахборот ва алоқа секторига хос (тармоқдаги компанияларнинг 60 фоизи). Аҳолига турар жой ва овқатланиш соҳасида хизматлар кўрсатишга ихтисослашган компанияларга ходимларни масофавий форматга ўтказиш қийин бўлди.

6. Тадқиқот натижаларига кўра респондентларнинг учдан икки қисми пандемия бошланганидан бери ўз бизнесини ривожлантириш режаларини ўзгартирмаганлиги аниқланди. Корхоналарнинг атиги 5-6 фоизи бизнес юритишнинг янги шакллари ўзлаштира бошлади ҳамда янги турдаги товарлар ва хизматлар ишлаб чиқишни тезлаштирди. Ахборот ва алоқа соҳасида (13%) янги турдаги товар ва хизматлар ишлаб чиқиш нисбатан тезлашди. Бу ерда бир вақтда мижозлар билан ишлашнинг янги моделларини ишлаб чиқиш улуши ҳам анча юқори (7%).



Ҳукумат чора-тадбирлари ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш

Коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши профилактика чоралари жорий этила бошланганидан бери Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ишбилармон доираларни қўллаб-қувватлаш бўйича қатор чора-тадбирлар кўрилди: ҳар чоракда ҚҚС тўлашга ўтиш, газ ва электр энергияси учун мажбурий олдиндан тўловни 30 фоизгача пасайтириш, банкротликка мораторий ўрнатиш. Бундан ташқари, карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ва ижтимоий солиқнинг қатъий белгиланган миқдорини ҳисоблаш давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома топшириш заруратисиз тўхтатиб қўйилди. 2020 йил 1 октябргача ўз фаолиятини тўхтатган микрофирмалар, кичик корхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорларга ва (ёки) товарларни (хизматларни) сотишдан тушадиган фойдаси миқдори жорий йилнинг биринчи чорагидаги ўртача ойлик фойда миқдори билан таққослаганда 50 фоиздан ортиққа камайган тадбиркорларга солиқ тўлашни фойдасиз кечиктириш (бўлиб бўлиб тўлаш) ҳукуқи берилди.

7. Ҳисоботга кўра ҳукумат томонидан бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида кўрилган чоралар турли даражада самарали бўлди. Қуйидагилар энг самарали бўлди: (i) агар компаниялар катта зарар кўрган (банкротлик арафасида) бўлса, бизнесни қўллаб-қувватлаш учун субсидиялар (грантлар). (ii) компанияларнинг ёлланма ходимлари учун ҳукумат томонидан бир марталик ижтимоий ёрдам тўлови (қарийб 5 млн сўм миқдориди). (iii) қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг сезиларли даражада (20-50 фоизгача) пасайтирилиши. (iv) талаб қилинадиган давр учун ижтимоий ажратмалар ва меҳнат даромадлари бўйича солиқларнинг сезиларли даражада (20-50 фоизгача) пасайтирилиши. (v) ҚҚС, акциз солиғи, даромад / дивиденд / мол-мулк солиқлари талаб қилинадиган даврда сезиларли даражада (20-50 фоизга) пасайтирилиши.

8. Дастлабки учта чора-тадбир секторларнинг катта қисмида самарали деб баҳоланди. Ижтимоий ажратмалар ва меҳнат даромадларига олинадиган солиқларнинг сезиларли даражада пасайтирилиши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, савдо, саноат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар, транспорт ҳамда сақлаш секторларидаги респондентлар томонидан ҳукуматнинг анча самарали чоралари рўйхатига киритилган. Банк кредитларини тўлаш бўйича таътил берилиши, энг аввало, саноат корхоналари учун муҳим бўлди.



ҲУКУМАТ ТОМОНИДАН КОРХОНАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ЙЎНАЛТИРГАН ЧОРАЛАРНИ БАҲОЛАШ

Бизнесни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлар қуйидагилар:



САМАРАЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

- фоиз ставкалари (20-50%) пасайиши
- давлат активлари учун ижара тўловлари пасайиши
- ижтимоий ажратмалар ва иш ҳақидан олинадиган даромад солиғи пасайиши
- ҚҚС ва акциз солиғи пасайиши
- бизнесни қўллаб-қувватлаш учун субсидия ва грантлар
- бир марталик ижтимоий ёрдам тўловлари



НИСБАТАН САМАРАЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

- кредит ва солиқ таътиллари
- давлат кафолатларининг кенгайтмалари
- ёлланма ишчилар учун солиқ таътиллари
- божхона тарифларини ошириш орқали импортдан ҳимоялашдан
- давлат активларига ижара тўловларини тўхтатиш



САМАРАСИЗ ЧОРАЛАР

- Транспорт соҳаси учун кредит ва солиқ таътиллари

Кичик ва ўрта корхоналар учун зарур бўлган ёрдам

Тадқиқот хусусий сектор вакиллари ҳукуматнинг қайси қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини яқин ойларда энг кўп талаб қилинадиган чора-тадбирлар деб ҳисоблашини аниқлашга қаратилган.

9. Сўров у ўтказилаётган пайтда корхоналар солиқлар айириб ташланишига (41%) ва кредитлар бўйича фоиз ставкалари пасайтирилишига (38%) кўпроқ эҳтиёж сезганлигини кўрсатди. Шундан сўнг энг талаб қилинадиган чоралар рўйхати солиқлар ва йиғимларни кечиктириш (23%), кредитлар бўйича тўловларни кечиктириш (19%), айланма капитални тўлдириш (18%) билан давом эттирилди. Тармоқлар бўйича бизнесни қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирларни кўриб чиқиб, шуни таъкидлаш мумкинки, солиқ имтиёзларининг энг юқори улуши савдо соҳасига тўғри келади (тармоқ компанияларининг 50 фоизи). Ушбу чора соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар, ахборот ҳамда алоқа секторларида нисбатан камроқ кўрсатилди. Солиқлар ва тўловларни тўлашни кечиктириш истаги деярли барча тармоқларда бир хил даражада қайд этилди.

Кредитлар бўйича фоиз ставкаларини кўпинча саноат, транспорт ва сақлаш секторларида пасайтириш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди (соҳадаги компанияларнинг 45 фоизи), бироқ қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, қурилишда ҳам (42-43%) фоиз ставкаларини пасайтириш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди. Барча секторлар компаниялари ҳам (13-25 фоиздан) кредитлар бўйича тўловларни кечиктириш тўғрисида фикр билдирди. У саноат соҳаси вакиллари (респондентларнинг 25 фоизи) томонидан нисбатан кўпроқ қайд этилди.

Тавсиялар

10. Ҳукумат ҳозирги иқтисодий инқирознинг тармоқ ва ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, бизнесни ривожлантиришдаги “нозик жойларни” бартараф этишга қаратилган тоифаланган аниқ сиёсат олиб бориши керак. Бунинг учун, энг аввало, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашнинг амалдаги тизимини такомиллаштириш зарур, у бугунги кунда иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришлар тўғрисида юқори сифатли, тезкор ва батафсил ахборот олиш имконини бермайди.

11. Бюджет сиёсатидан фойдаланишга, энг аввало, бизнесга тушадиган солиқ юқини камайитиришга ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга

эътибор қаратиш тавсия этилади. Бунда протекционизм сиёсати, фоиз ставкаларини маъмурий тартибга солиш ва имтиёзли кредитлаш амалиётини кенгайтириш билан “овора бўлмаслик” тавсия этилади.

12. Гарчи кўпчилик мамлакатлар ҳукуматлари кредит ресурсларидан кичик ва ўрта корхоналарнинг фойдаланиш имкониятини кенгайтириш учун имтиёзли кредитлаш механизмидан фойдаланса-да, бундай сиёсат воситасидан инфляция даражаси юқори бўлганлиги ва имтиёзли кредитлашнинг эркин бозордаги фоиз ставкаларига ва мамлакатдаги рақобат ҳолатига салбий таъсирини ҳисобга олган ҳолда эҳтиёткорона фойдаланиш керак.

13. Кичик ва ўрта бизнесни молиялаштириш имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашиш банк секторини қайта форматлаш, эркин бозорда кредитлаш ставкасини пасайтириш учун институционал шароитлар, шу жумладан молиялаштириш ва гаров таъминотини тақдим этишнинг янада мослашувчан шароитлар яратиш каби бошқа сиёсат чоралари орқали амалга оширилиши керак. Тижорат микрокредитлари ва лизинг воситаларини секьюритизациялаш микрокредит ташкилотлари ва лизинг компаниялари учун молиявий ресурсларни тақдим этиб, уларнинг ўсишини давлат маблағларига таянмасдан қўллаб-қувватлаши мумкин.

14. Ишни масофавий режимга ўтказиш учун шароит яратиш бўйича корхоналарни қўллаб-қувватлаш керак. Шарт-шароитлар яратиш иш жараёнларини рақамлаштириш, АТ инфратузилмасини, хавфсизлик, коммуникациялар тизимини, вазифалар электрон белгиланишини ривожлантириш ва уларнинг бажарилишини кузатиб бориш учун ечимлар ҳамда платформалар тақдим этишни ўз ичига олади. Шу билан бирга, ходимларни янги рақамли имкониятлардан фойдаланиш ва янги иш форматига мослашиш бўйича ўқитиш керак.

Диаграммалар ва жадваллар рўйхати

1-расм. Карантин шароитида тадбиркорлик фаолиятини давом эттириш.....	188
2-расм. Тармоқлар кесимида карантин шароитида тадбиркорлик фаолиятини давом эттириш. ...	188
3-расм. Кейинги 30 кунда товарлар ва хизматларга бўлган талаб ўзгариши.....	19
4-расм. Тармоқлар кесимида кейинги 30 кунда товарлар ва хизматларга бўлган талаб ўзгариши..	19
5-расм. Карантин даврида ходимларни ҳудудлар бўйича масофавий ишга ўтказиш	20
6-расм. Карантин даврида ходимларни тармоқлар бўйича масофавий ишга ўтказиш	211
7-расм. Карантин даврида ходимлар ишини тўхтатиш.....	222
8-расм. Карантин даврида ходимлар ишини ҳудудлар бўйича тўхтатиш.....	233
9-расм. Карантин жорий этилганидан кейин етказиб берувчилар билан ҳамкорликни ўзгартириш	244
10-расм. Карантин жорий этилганидан кейин харажатларни камайтириш чора-тадбирлари.	25
11-расм. Карантиндан кейин маҳсулот сотиладиган бозорлар/харидорлар/мижозлар билан ишлашдаги тармоқлар бўйича ўзгариш.....	26
12-расм. Карантин жорий этилганидан кейин компанияларни ривожлантириш режаларидаги ўзгариш	277
13-расм. Бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукуматнинг турли чора-тадбирлари самарадорлигини баҳолаш.....	322
14-расм. Қисқа муддатли кредитлар бўйича фоиз ставкаларини камайтириш самарадорлигини баҳолаш.....	33
15-расм. Давлат активлари ижара ҳақини керакли даврга камайтириш самарадорлигини баҳолаш	343
16-расм. “Ҳозирги вақтда ташкилотингизга кўпроқ қандай ёрдам керак?”	366
17-расм. Жинс ва ташкилот жойлашган ер бўйича тақсимлаш	422
18-расм. Респондентларнинг ёш бўйича тақсимланиши	422
19-расм. Респондентларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши.....	422
20-расм. Компанияларнинг секторлар бўйича жойлашган ери.....	433
21-расм. COVID-19 муносабати билан профилактик тадбирлар эълон қилинган вақтда ташкилотларнинг доимий ходимлари сони.....	46
22-расм. Ташкилотлар доимий ходимларининг ҳудудлар бўйича сони.....	466
23-расм. Ташкилотлар доимий ходимларининг иқтисодиёт секторлари бўйича сони.....	47

1-жадвал. COVID-19 вирусининг бутун дунёда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида тарқалиши тўғрисидаги маълумотлар (2020 йил 21 июнь ҳолатига)

2-жадвал. Пандемия ва карантиннинг Ўзбекистондаги турли тоифадаги корхоналарга салбий таъсирининг рейтингини

3-жадвал. Респондентлар томонидан бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат чора-тадбирлари самарадорлигини баҳолаш

4-жадвал. “Ҳозирги вақтда ташкилотингизга кўпроқ қандай ёрдам керак?” (тармоқлар бўйича маълумотлар).....

5-жадвал. Респондентларнинг жинси ва компаниянинг жойлашуви бўйича тақсимланиши

6-жадвал. Сўралган компанияларнинг ҳудудлар ва тармоқлар бўйича тақсимланиши

7-жадвал. Ҳудудлар бўйича товар ва хизматларнинг асосий бозори

8-жадвал. Иқтисодиёт секторлари бўйича товарлар ва хизматлар сотиладиган асосий бозор.....

Қисқартмалар рўйхати

ЯИМ	Ялпи ички маҳсулот
ЖССТ	Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти
ХВФ	Халқаро валюта фонди
КЎК	Кичик ва ўрта корхоналар
БМТ	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
БМТТД	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури
ЎзР	Ўзбекистон Республикаси
СанҚваМ	Санитария қоида ва меъёрлари
ШХВ	Шахсий ҳимоя воситалари
ОАВ	Оммавий ахборот воситалари
ОЎРС	Оғир ўткир респиратор синдроми = SARS-CoV-2
COVID-19	Коронавирус инфекцияси-2019 (инглизча “CoronaVirus Disease-2019” сўзларининг қисқартмаси)

Асосий тушунчалар

Изоляция	Касаллик янада тарқалишининг олдини олиш учун COVID-19 белгилари бўлган одамлар билан алоқани чеклаш.
Карантин	Касаллик белгилари бўлмаган, бироқ COVID-19 юктирган инсон билан алоқада бўлган одамлар фаолиятини чеклаш ёки уларни жисмоний яқкалаш. Ушбу тадбирнинг мақсади — одамларда илк аломатлар пайдо бўлганда эрта босқичда касаллик тарқалишининг олдини олиш.
Коронавирус	Коронавируслар — одамларда ёки ҳайвонларда касаллик келтириб чиқариши мумкин бўлган вирусларнинг катта оиласи. Айрим коронавируслар одамларда оддий шамоллашдан то Яқин Шарқ респиратор синдроми (ЯШРС) ва оғир ўткир респиратор синдроми (ОЎРС) каби жиддий патологик ҳолатларгача респиратор инфекцияларини кўзғатишга қодирлиги маълум. Кашф қилинган коронавирусларнинг охиригиси COVID-19 номли касалликни келтириб чиқаради.
Пандемия	Пандемия (грекча “бутун халқ”) — мамлакатлар, қитъалар бўйлаб тарқаладиган ғайриоддий кучли эпидемия; эпидемия жараёни ривожланишининг юқори чўққиси. ЖССТ мезонларига кўра пандемия — жаҳон микёсида янги касалликнинг тарқалишидир.
Шахсий ҳимоя воситалари (ШХВ)	Ходимга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавfli ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек, ифлосланишдан ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган техник ва бошқа воситалар. COVID-19 пандемияси даврида фойдаланиладиган ШХВ — махсус кийим, махсус пойабзал, ювиш ва зарарсизлантириш воситалари, техник воситалар.
Жамоавий ҳимоя воситалари	Ишлаб чиқариш биноси ва ишлаб чиқариш жараёни билан амалий ва функционал жиҳатдан боғлиқ бўлган, ходимга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавfli ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек, ифлосланишдан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган техник ва бошқа воситалар.
COVID-19	Коронавируслар оиласининг сўнгги кашф қилинган вирусини кўзғатадиган юқумли касаллик. 2019 йил декабрь ойида Хитойнинг Ухань шаҳрида инфекция тарқалишидан олдин янги вирус ва у кўзғатадиган касаллик ҳақида маълум эмас эди. Бугун COVID-19 эпидемияси пандемияга айланиб, дунёнинг кўплаб мамлакатларини чулғаб олди.

Кириш

Коронавирус (COVID-19) пандемиясининг Ўзбекистондаги кичик ва ўрта бизнес ҳолатига таъсирини ўрганиш ҳамда COVID-19 тарқалиши пайтида кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича Ҳукумат томонидан кўрилаётган чоралар самарадорлигини баҳолаш мақсадида ушбу тадқиқот Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази томонидан Ўзбекистон Республикасида БМТТД кўмагида ўтказилди.

Тадқиқот давомида сўровда қатнашишга рози бўлган тадбиркорлар билан суҳбатлар ўтказилди. 28 майдан 7 июнгача 12 та вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан 887 та жавоб олинди. Сўровномалар тўрт жиҳатга қаратилди. Биринчидан, COVID-19 пандемияси ва у билан боғлиқ карантин чоралари кичик ва ўрта корхоналар фаолиятига қандай таъсир кўрсатди? Иккинчидан, қандай қилиб корхоналар COVID-19 ва карантин чоралари натижасида юзага келган жиддий иқтисодий парокандаликка мослаша олди? Учинчидан, тадбиркорларнинг фикрича, COVID-19 пандемияси даврида Ҳукуматнинг кўмаги қанчалик самарали? Тўртинчидан, COVID-19 вақтида кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича қандай зарур чоралар кўриш керак?

Тадқиқотда 18 ёшдан 79 ёшгача бўлган корхоналар раҳбарлари иштирок этди, улар орасида эркаклар мутлақ кўпчиликни ташкил этади (79%). Кичик ва ўрта бизнес соҳаси ташкилотларининг аёл раҳбарлари сўраб чиқилганлар умумий сонининг бешдан бир қисмини (21%) ташкил этди.

Ташкилотларнинг аксарияти шаҳарларда (62%) ва қишлоқ жойларда (38%) рўйхатдан ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича тақсимлаш маълумотларини кўриб чиқиб, респондентларнинг 20 фоизи Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган, ҳар ўнинчи респондент (9 фоиздан 11 фоизгача) Тошкент, Фарғона ва Андижон вилоятларида рўйхатдан ўтган ташкилотларнинг вакили эканлигини таъкидлаш мумкин. Сирдарё вилоятида рўйхатдан ўтган корхоналар фоизи энг паст бўлди (3%).

Тадқиқотда қатнашган ҳар ўнинчи (11%) ташкилот мамлакат бозорида катта тажрибага эга ва 1991 йилгача рўйхатдан ўтган. Ҳар учинчи ташкилот (34%) 1991 йилдан 2000 йилгача рўйхатга олинган. Компанияларнинг 26 фоизи 2001 йилдан 2010 йилгача ўз фаолиятини рўйхатдан ўтказган, корхоналарнинг 29 фоизи 2011 йилдан бери фаолият кўрсатади.

Умуман олганда, сўровда қатнашган корхоналарнинг 90 фоизи ички бозорда товар ва хизматлар сотади, компанияларнинг 1 фоизигина ташқи бозорга, 9 фоизга яқини ички ва ташқи бозорга йўналтирилган. Шаҳар жойларда ташқи бозорга йўналтирилган корхоналар икки баравар кўпроқ. Ҳам ички, ҳам ташқи бозорга йўналтирилган компаниялар сони шаҳар ва қишлоқ жойларда бир хил.

Демографик ва компания профили ҳақидаги батафсил ахборотни 1-иловадан олиш мумкин.

2-иловада пандемиянинг Қорақалпоғистон Республикасидаги кичик ва ўрта корхоналар фаолиятига таъсири таҳлили келтирилган.

1. COVID-19 тарқалишининг иқтисодиётга таъсирининг қисқача шарҳи

2019 йил декабрь охирида Ухань шаҳрида (Хитой) яшовчилар орасида келиб чиқиши номаълум пневмония ҳолатлари учраётгани эълон қилинганда дунё ҳамжамияти қандай муаммога дуч келишини тасаввур ҳам қилмаган эди.

Одамдан одамга тез юқадиган янги коронавирус инфекциясининг эпидемияси шу қадар кучли бўлганидан уни ЖССТ баҳор фаслининг бошида жаҳон миқёсидаги пандемия деб тан олди. 2020 йил 21 июнь ҳолатига кўра 213 та мамлакат ва ҳудудда 8 миллиондан ортиқ киши вирус юқтирган, 464 465 та ўлим тасдиқланди, 4 365 932 киши соғайди ва деярли 4 миллион киши ҳали ҳам даволанмоқда.

1-жадвал. COVID-19 вирусининг бутун дунёда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида тарқалиши тўғрисидаги маълумотлар (2020 йил 21 июнь ҳолатига)

	Аниқланган ҳолатлар	Соғайди	Даволанмоқда	Вафот этди
Дунё бўйлаб (Жонс Хопкинс университети маълумотларига кўра)	8 791 794	4 365 932	3 961 397	464 465
Ўзбекистон Республикасида (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра)	6 216	4 290	1 907	19

COVID-19 тарқалиши нафақат инсон ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солади, балки бутун дунё давлатларининг иқтисодий ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Кўпчилиги кичик ва ўрта корхоналар бўлган аксарият корхоналар “Буюк яккаланиш” даврида эпидемиянинг олдини олиш мақсадида ҳукуматлар томонидан кўрилган карантин чоралари туфайли ўз фаолиятини вақтинча тўхтатишга мажбур бўлди (ХВФ, 2020).

Масалан, коронавирус келтириб чиқарган инкироз туфайли жаҳон миқёсида туризм индустрияси иқтисодиётнинг барча асосий тармоқлари орасида энг катта зарар кўрди. Саёҳат ва ҳаракатланишга, одамлар ўртасидаги ўзаро алоқага қатъий чекловлар жорий этилиши, корхоналар фаолиятининг тўхтатилиши сайёҳлик индустриясининг тўхтаб қолишига сабаб бўлди. Гарчи туризм иқтисодиётига таъсирни аниқлаш қийин бўлса-да, прогнозларнинг қайта кўриб чиқилган сценарийлари инкироз қанча давом этишига қараб потенциал шок натижасида 2020 йилда жаҳон туризм иқтисодиёти 60-80 фоизгача пасайиши мумкинлигини кўрсатади (ИХТТ, 2020).

Ўзбекистон Республикаси 2020 йил март ойининг ўрталарида мамлакат фуқароларидан бири коронавирусга чалинганлиги илк марта расман тасдиқланганда ушбу муаммога дуч келди. Ҳукумат коронавирус инфекцияси тарқалган илк кунлардан бошлаб инкирозга қарши тезкор профилактика чораларини кўрди.

Ўзбекистон Республикасида биринчи тўлқин пайтида қатъий карантин чоралари 2020 йил 15 июнгача сақланиб қолди. Шу билан бирга, ўзини яқкалаш, мулкчилик шакли ҳар хил бўлган корхона ва ташкилотлар ходимлари масофавий ишлашга ўтказилиши, шахсий хавфсизлик чоралари кўрилиши, санитария ва гигиена қоидаларига қаттиқ риоя этилиши

корхоналар фаолиятига таъсир кўрсатди. Ҳаётий аҳамиятга эга эмаслиги туфайли уларнинг баъзилари иши вақтинча тўхтатилди. Хусусан, бу транспорт, туризм, умумий овқатланиш, меҳмонхона хизматлари ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаларига таъсир кўрсатди. Шунингдек, карантин амалда бўлган даврда таълим, спорт ва маданият муассасалари ҳамда бошқа муассасалар фаолияти тўхтатилди.

COVID-19 пандемияси Ўзбекистон иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатди. ХВФ прогнозларига кўра 2020 йилда иқтисодий ўсиш 1,5 фоизгача пасаяди, аynи вақтда экспорт ва пул ўтказмалари ҳажми сезиларли даражада камайди. COVID-19 пандемиясининг ташқи зарбаси ва ички таъсирини бартараф этиш учун ЯИМнинг 7 фоизи миқдоридида кўшимча равишда ташқи молиялаштириш талаб этилади (ХВФ, 2020).

Карантин натижасида 196 минг корхонада ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмлари сезиларли даражада камайди, 95 мингга яқин яқка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини тўхтатди. Хизмат кўрсатиш соҳаси айниқса қаттиқ зарар кўрди. Бу соҳада 13 минг умумий овқатланиш корхонаси, 45 минг савдо корхонаси, 19 минг хизмат кўрсатиш корхонаси, 7 минг транспорт корхонаси ўз фаолиятини тўхтатди ёки даромади сезиларли даражада камайди. Натижада ишсизлар сони сезиларли даражада ошди. Карантин даврида иш билан таъминлаш марказларига мурожаатлар сони 150 мингга етди, бу жорий йилнинг январь-февраль ойларига нисбатан уч баравар кўпдир.

Расмий ҳисоб-китобларга кўра жорий йилнинг биринчи ярмида ЯИМ ўсиши 100,2 фоизни (дастлабки прогнозга нисбатан 105,8%), хусусан, саноатда 98,1 фоизни (105,9%), хизматлар соҳасида 102,6 фоизни (107,3%), қишлоқ хўжалигида 102,8 фоизни (103,3%) ташкил этди. Чекловлар энг кескин бўлган апрель ойида саноатда пасайиш 22,8 фоизни (2019 йил апрелга нисбатан), хизматлар соҳасида 37,5 фоизни, экспорт бўйича 9,6 фоизни ташкил этган, дея баҳоланмоқда.

Саноат ва қурилиш компаниялари учун карантин оқибатларини юмшатиш бўйича кўрилган босқичма-босқич чора-тадбирлар туфайли ушбу тармоқларда ЯИМнинг кескин пасайишининг олди олинди. Ўзбекистон пандемиянинг салбий оқибатлари турғунлик ёки инқироз билан эмас, балки иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши билан чекланган кам сонли давлатлардан бири бўлди.

Қимматбаҳо металллар қулай нархларда сотилиши туфайли Давлат бюджети даромадлари катта миқдорда камайди. Бироқ Инқирозга қарши жамғарма шаклланиши туфайли 2020 йилнинг иккинчи ярим йиллигида консолидацияланган бюджет тақчиллиги, шунингдек Бухоро ва Сирдарё вилоятларида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида иккиламчи харажатлар секвестр қилинишига қарамай, ЯИМнинг 4,1 фоизини ташкил этди (режалаштирилган 0,5 % ўрнига). Шу билан бирга, аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектлар учун бир қатор солиқ имтиёзлари ва преференциялар тақдим этилиши туфайли пандемия даврида Давлат бюджети даромадлари 2,8 трлн сўмга (ёки 0,4 фоизга) камайди.

2019 йилнинг биринчи ярмига нисбатан инвестициялар ҳажми ва ўсиш суръатлари маълум даражада пасайди (прогноз қилинган 108,2 фоиз ўрнига 87,2 фоиз). Бу кўп жиҳатдан 39 та йирик инвестиция лойиҳаси объектив сабабларга кўра кеч ишга туширилиши билан изоҳланади. Бу нафақат жорий 2020 йилда, балки 2021 йилда ҳам ЯИМ ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатади.

Хомашё ва эҳтиёт қисмларни етказиб беришда транспорт-логистика чекловлари корхоналарнинг вақтинча ёпилишига олиб келди, хорижий мамлакатларда карантин чоралари қўлланилиши нафақат импортнинг 15 фоизга камайишига, балки экспорт ҳажмига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Жорий йилнинг биринчи ярмида 2019 йилнинг шу даврига нисбатан экспорт ҳажмининг пасайиши натижасида кўрилган зарарлар 1,8 млрд АҚШ

долларини ташкил этди, шу жумладан табиий газ экспортининг қисқариши 735 млн АҚШ долларини, хизматлар экспортининг қисқариши 399,1 млн АҚШ долларини, авиация хизматларини кўрсатиш қисқариши 150,3 млн АҚШ долларини, сабзавот ва мевалар экспорти қисқариши 215,5 млн АҚШ долларини, мис ва рух экспорти қисқариши 106 млн АҚШ долларини ташкил этади.

Туризм, транспортнинг барча турлари, умумий овқатланиш, ноозик-овқат маҳсулотлари савдоси, барча турдаги таълим хизматлари, маданий-кўнгилочар муассасалар хизматлари — коронавирус пандемияси натижасида энг кўп зарар кўрган саноат тармоқларидир.

Бундан ташқари, расмий статистик маълумотларга кўра 2020 йилнинг биринчи ярмида ишсизлик даражаси 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 9,1 фоиздан 13,2 фоизгача ўсди. 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида ишсизлик даражаси 20,1 фоизга, аёллар орасида 17,4 фоизга етди. Биринчи ярим йилликда иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли сони 4,5 фоизга кўпайди. Яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланадиган жисмоний шахслар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 167,5 мингга (46,4%) камайди. Иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан банд бўлганлар сони (чет элда ишлайдиган меҳнат муҳожирларини ҳисобга олмаганда) 2019 йил охирига нисбатан 2,1 фоизга ёки 105,3 минг кишига камайди ва 5,1 млн кишини ташкил этди. Бу бир марталик ва мавсумий ишларда вақтинча ишлайдиганларнинг (108,4 мингга), меҳнат муносабатларини расмийлаштирмасдан оилавий корхоналарда ва тадбиркорлар қўлида иш билан банд бўлганларнинг (87,4 мингга), шунингдек, рўйхатдан ўтмасдан ишлайдиган ишбилармонларнинг (110, 6 минг) камайиши туфайли юз берди. Карантин даврида уйда қолган фуқаролар сони кўпайиши ва Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш учун субсидиялар ажратиш дастурлари ҳажмлари сезиларли даражада ошиши ҳисобига деҳқон ва шахсий участкаларда иш билан банд бўлганлар сони 201,1 минг кишига кўпайди.

“Ўзбекистон фуқароларини тинглаш” лойиҳаси доирасида ўтказилган сўров натижаларига кўра¹ карантин чоралари жорий этилиши 2020 йил апрель ойида аҳоли бандлиги ва даромадлари даражаси сезиларли даражада пасайишига сабаб бўлди. Бироқ май-июнь ойларида ушбу кўрсаткичлар тикланиши кузатилди. Жумладан, камида битта аъзоси фаол иш олиб борадиган уй хўжаликларининг улуши апрель ойида 40 фоиздан ортиққа (85 фоиздан 43 фоизгача) камайиб, июнь ойида 76 фоизгача тикланди. Уй хўжалигидан кимдир “ишидан айрилди ёки ишламаяпти” деган жавоблар улуши апрель ойида 1 фоиздан 19 фоизгача кўпайган бўлса, июнь ойида 3 фоизга камайди. Респондентларнинг деярли барчаси ишдаги танаффуслар вақтинчалик эканлигига ишончи комил эди.

Март ойи билан таққослаганда ўзини ўзи иш билан таъминлашдан тушадиган ҳар қандай даромад ҳақида ҳисобот берган шахсларнинг улуши апрель ойида 67 фоизга, июнь ойида 26 фоизга камайди. Кейинги 30 кун ичида иш ҳақи шаклида даромадлари тўғрисида ҳисобот берган уй хўжаликларининг улуши апрель ойида 16 фоизга камайди, июнь ойида ўртача 2019 даражасига қайтди. Бунда бу кўрсаткич аёлларга нисбатан эркаклар орасида тезроқ кўтарилди. Камбағаллик даражаси чизигидан пастдаги одамлар улуши (харид қилиш қобилияти бир киши учун кунига 3,2 АҚШ доллари) эпидемия бошланишидан олдин

¹ Жаҳон банки ва Тараққиёт стратегияси марказининг “Ўзбекистон фуқароларини тинглаш” лойиҳаси мамлакат аҳолиси вакиллик гуруҳининг қарашлари ва фаровонлигини мониторинг қилиш тизимини ифодалайди. Маълумотлар тўплаш учун куйидаги учта асосий усулдан фойдаланилади: миллий миқёсдаги 4000 та уй хўжалигини базавий текшириш; 1500 уй хўжалигидан иборат кичик гуруҳни ҳар ойда телефон орқали “гуруҳ бўлиб” текшириш; сифатли маълумотларни тўплаш (мутахассислар ва фокус-гуруҳлар билан суҳбатлар асосида).

билдирилган прогнозларга нисбатан (7,4%) апрель ойида 8,7 фоизгача кўтарилди. Бу яна камида 448 минг киши камбағаллик даражаси чизиғидан пастда яшай бошлаганлигини англатади. Овқат сотиб олиш имкониятига эга бўлмаганлар сони апрель-июнь ойларида 9 фоиздан 11 фоизгача ошди. Уй хўжалиқларининг молиявий ҳолати заиф: уларнинг ярмидан кўпи жамғармалари йўқлигини ва 40 фоизи 100 минг сўм (9,8 доллар) миқдоридаги кутилмаган харажатларни тўлай олмаслигини билдирди.

Касаллик тарқалиши бошланганидан ва карантинлар жорий қилинганидан кейин янги бўш иш ўринлари сони апрель ойида 80 фоизга камайди. 2019 йилнинг шу даврига нисбатан пасайиш энг катта бўлган тармоқлар — бу туризм, дам олиш ва кўнгил очиш (–95%), бар ҳамда ресторанлар (–91%) ва таълим (–85%). Ҳатто энг кам зарар кўрган касблар орасида ҳам пасайиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 50 фоизни ва ундан кўпроқни ташкил этди. Бироқ июнь ойида янги иш ўринлари айниқса тиббиёт ва қурилиш соҳаларида тезда тикланиши кузатилди.

Пул ўтказмалари оладиган хўжалиқларнинг улуши июнь ойида пасайганидан сўнг тикланди, бироқ 2019 йилги кўрсаткичлардан сезиларли даражада кам. Апрель ойида бирор-бир пул ўтказмаларини олган уй хўжалиқларининг улуши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баравар камайди, шундан сўнг бу кўрсаткич май ва июнь ойларида бирмунча тикланди. Пул ўтказмаларини олганлар учун уларнинг ўртача ҳажми апрель ойида 21 фоизга камайди (сўмда, инфляцияни ҳисобга олган ҳолда), бироқ кейинчалик Россия рубли мустаҳкамланиб бориши билан май ойида кўтарилди.

2. COVID-19 тарқалиши шароитида кичик ва ўрта корхоналар ҳолатини таҳлил қилиш


Карантин чоралари қўлланилиши, шубҳасиз, компаниялар фаолиятига таъсир кўрсатди. Респондентларнинг фикрича, COVID-19 тарқалган ва у билан боғлиқ чоралар кўрилган даврда бозордаги талабнинг пасайиши, савдо йўллари / бозорга чиқиш имкониятлари тўсиб қўйилиши, ходимларни ишга ва уйига транспортда ташиш зарурлиги, мажбуриятлар (етказиб бериш, тўловлар) ижросини молиялаштириш ва кечиктириш, шунингдек масофадан туриб ишлаш билан боғлиқ қийинчиликлар ва мажбуриятларни бажармаганлик учун жарималар ташкилотлар фаолиятига энг кўп таъсир кўрсатди.

Пандемиянинг компанияларнинг умумий фаолиятига таъсири

Респондентларнинг мутлақ кўпчилиги (78%) ўз ташкилотлари карантин шароитида ишлашда давом этаётганлигини қайд этди. Бунда фаолиятини давом эттираётган ташкилотларнинг улуши қишлоқ жойларда бироз юқори (шаҳарга нисбатан 6,6 фоизга). Фақатгина ички бозор учун ишлайдиган компанияларга қараганда фақат ташқи бозор ёки ташқи ва ички бозорлар учун ишлайдиган корхоналар орасида амалдаги корхоналар кўп.


Ҳудудлар кесимида Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида (31 фоиз ва ундан ортиқ), шунингдек Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Тошкент ҳамда Сирдарё вилоятларида карантин пайтида тадбиркорлик фаолиятини тўхтатган ташкилотларнинг энг юқори улуши қайд этилган. Бунда энг мақбул вазият Андижон, Фарғона, Хоразм ва Бухоро вилоятларида қайд этилган бўлиб, у ерда сўраб чиқилган тадбиркорларнинг 15 фоиздан камроғи иш тўхтатилганлиги ҳақида хабар берди.

1-расм. Респондентларнинг улар карантин шароитида тадбиркорлик фаолиятини давом эттирганми-йўқми деган саволга жавоблари.



Кутилганидек ва дунёнинг бошқа мамлакатларида кузатилганидек, Ўзбекистонда коронавирус тарқалишининг олдини олиш мақсадида жорий этилган карантин чоралари натижасида турар жой ва овқатланиш хизматлари кўрсатадиган корхоналар ўз фаолиятини давом эттиришда энг катта муаммога дуч келди. Хусусан, фаолияти давом этаётганлиги тўғрисида хабар берган компаниялар улуши 65 фоиздан ортиқ бўлган бошқа соҳаларга нисбатан хизмат кўрсатувчи тадбиркорларнинг атиги 30 фоизи ўз ишини давом эттираётганлигини маълум қилди.

2-расм. Тармоқлар кесимида карантин шароитида тадбиркорлик фаолиятини давом эттириш




COVID-19 пандемиясининг товар ва хизматларни сотишга, даромадга таъсири

Иқтисодий фаолликнинг пасайиши одатда товарлар ва хизматларга бўлган умумий талабнинг пасайиши билан бирга кечди. Респондентларнинг жавобларига кўра уларнинг 46,1 фоизиди ўз товарлари ва хизматларига бўлган талаб пасайиши кузатилди. Қишлоқ

компанияларида товар ва хизматларга талаб нисбатан юқорилиги кузатилмоқда. Бу ерда талабнинг кескин пасайиши ҳақида анча кам (шаҳардаги 26 % билан таққослаганда 15%) ва талабнинг у ёки бу даражада ўсиши ҳақида анча кўп (шаҳарда 15 фоизга нисбатан 23%) хабар берилди.


3-расм. Кейинги 30 кунда товарлар ва хизматларга бўлган талаб ўзгариши



Ўзбекистон ҳудудлари талаб даражасининг ўзгариши бўйича сезиларли фарқ қилади. Энг паст кўрсаткичлар Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида қайд этилди, бу ерда сўраб чиқилганларнинг 56 фоиздан ортиғи талабнинг пасайганлиги ҳақида хабар берди. Боз устига, Тошкентда, Қорақалпоғистонда ва Наманган вилоятида жавобларнинг тахминан 40 фоизи талабнинг кескин пасайиши билан боғлиқ бўлди. Фарғона вилоятида нисбатан қулай вазият қайд этилган бўлиб, у ерда талабнинг пасайиши, камайиши ва ўсиши бир хил даражада (тахминан 33-34 фоиздан) қайд этилди.

Товарларга бўлган талабнинг пасайиши иқтисодиёт тармоқлари бўйича ҳам фарқ қилади. Турар жой ва овқатланиш хизматлари энг кўп зарар кўрган сектор бўлди — респондентларнинг 65,5 фоизи талабнинг пасайиши, шу жумладан 47,3 фоизи кучли пасайиш ҳақида хабар берди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги нисбатан фаровон сектор бўлди — тадбиркорларнинг 58 фоизи талаб аввалги даражада қолаётганлигини билдирди.

4-расм. Тармоқлар кесимида кейинги 30 кунда товарлар ва хизматларга бўлган талаб ўзгариши



Шу билан бирга, товарларга бўлган талабнинг пасайиши фирмалар даромадларининг камайишига олиб келди. Хусусан, компаниялар вакилларининг деярли учдан икки қисми (65%) таъкидлашча, 2020 йилнинг биринчи ярмида 2019 йилнинг шу даврига нисбатан уларнинг даромадлари COVID-19 туфайли камайди. Қашқадарё вилояти ва Бухоро вилояти нисбатан фаровон ҳудудлар ҳисобланади. Қашқадарё вилоятида даромад аввалги даражада қолганлиги ёки ҳатто ошганлиги кўпроқ қайд этилди (ҳудуддаги компанияларнинг 62 фоизи). Бухоро вилоятида бу рақам 50 фоизга яқин бўлди. Қолган ҳудудларда сўраб чиқилганларнинг аксарияти даромадлар пасайганлигини қайд этди, айниқса уларнинг улуши Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида юқори.

Талабнинг пасайиши турар жой ва овқатланиш хизматлари соҳасидаги фирмаларнинг даромадларига кучли таъсир кўрсатди. Компанияларнинг 93 фоизи даромадлар пасайишини қайд этди. Бошқа секторлар билан таққослаганда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳолати фаровонроқ.

Юқорида кўрсатилган муаммолардан ташқари, респондентлар транспорт харажатлари, ҳар хил тўловлар ва харажатлар (солиқ, меҳнатга ҳақ тўлаш, ижара ва коммунал хизматлар, кредитлар бўйича тўловлар) бўйича тўловларни амалга оширишда қийинчиликка дуч келганлигини таъкидлади. Ушбу муаммолар орасида шаҳардаги компаниялар учун транспорт харажатларининг ошиши жиддий муаммога айланди (23% қишлоқдаги ташкилотларга нисбатан 12%).


Ташкилотлар ходимларига таъсири

Ходимларни масофадан ишлашга ўтказиш

COVID-19 тарқалишига қарши кўрилаётган профилактика чоралари давомида соғлиқни сақлаш тизими мамлакат аҳолисига ўзини яқкалаш режимига риоя қилишни тавсия қилди. Бундай режим мақбул ва амалга оширилиши мумкин бўлган кичик ва ўрта компаниялар ўз ходимларини (ёки уларнинг бир қисмини) масофавий иш режимига ўтказишга ҳаракат қилди.

Сўров респондентларнинг 31 фоизи ўз ходимларини масофавий иш форматига ўтказганлигини, 14 фоизи қисман ўтказганлигини кўрсатди. Қисман ўтказиш шаҳар ва қишлоқдаги ташкилотларда бир хил даражада қўлланилди, масофадан ишлашга тўлиқ ўтиш кўпинча шаҳарларда жойлашган компанияларда жорий қилинди.

5-расм. Карантин даврида ходимларни ҳудудлар бўйича масофавий ишга ўтказиш




Ходимларни масофадан ишлашга ўтказиш Андижон, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари ташкилотларига хос бўлди — бу ерда сўраб чиқилганларнинг 70 фоиздан ортиғи бу ҳақда хабар берди (Самарқанд вилоятида — 43,3 фоиз, бошқа вилоятларда — 29 фоиздан камроқ). Ходимларни қисман масофадан ишлашга ўтказиш Сирдарё вилоятида энг оммалашган чора бўлди (худуддаги компанияларнинг 53,8 фоизи), Тошкент ва Фарғона вилоятларида ҳам нисбатан кенг татбиқ этилди (32-35%).

Бухоро, Наманган вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидаги компаниялар ходимларни камроқ масофадан ишлашга ўтказди. Ушбу худудларда сўраб чиқилган тадбиркорларнинг 80 фоиздан ортиғи ходимлар масофадан ишлашга тўлиқ ҳам, қисман ҳам ўтказилмаганлигини айтди.

Ходимларни масофадан ишлашга ўтказиш ахборот ва алоқа секторига хосдир (тармоқ компанияларининг 60 фоизи). Эҳтимол, бажарилган иш хусусияти туфайли ушбу соҳадаги ташкилотлар учун ходимларни масофадан ишлашга ўтказиш қулай бўлган бўлиши мумкин. Бунда аҳолига турар жой ва овқатланиш соҳасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган компаниялар учун ушбу тавсияни бажариш қийинчилик туғдирди. Бу ерда ходимларнинг 15 фоизи иш форматини ўзгартирди. Олдинги саволларга олинган жавоблар билан биргаликда ушбу соҳадаги корхоналарда ходимлар иши, шу жумладан масофадан туриб ишлаш бутунлай тўхтатилади, деб тахмин қилиш мумкин. Транспортда ташиш ва сақлаш секторида бошқа тармоқларга қараганда масофадан ишлашга қисман ўтиш тез-тез қўлланилди (саноат корхоналарининг 26 фоизи, бошқа соҳаларда бу кўрсаткич 9-18 фоизни ташкил этди).

6-расм. Карантин даврида ходимларни тармоқлар бўйича масофавий ишга ўтказиш




Масофадан туриб ишлашдаги қийинчиликлар ҳақидаги саволга иш жараёнларини масофавий форматга ўтказиб бўлмаслиги, Интернетнинг, керакли ускуналарнинг йўқлиги каби асосан техник муаммолар билан боғлиқ жавоблар нисбатан кўпроқ учради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари тўғрисидаги маълумотларни кўриб чиқаётиб, шуни таъкидлаш мумкинки, компания ходимлари орасида Интернетга уланиш имкониятининг йўқлиги кўпроқ Қашқадарё, Навоий ва Фарғона вилоятларида қайд этилди. Тармоқлар кесимида соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлар ва саноат соҳасидаги ташкилотлар кўпинча ушбу муаммога дуч келди. Масофадан ишлаш учун зарур ускуналарнинг йўқлиги қолган ҳудудларга қараганда Фарғона вилоятида сўраб чиқилганлар томонидан тез-тез қайд этилди.

COVID-19 пандемияси даврида ходимлар ишининг узилиши

Тадбиркорларнинг учдан икки қисми ўз ташкилотидан иш билан банд бўлганлар асосан ишлашни давом эттираётганлигини қайд этди. Иш ҳақи тўланмайдиган таътилга чиқиш (18,3%) ҳақида жавоб иккинчи ўринда келтирилди. Респондентларнинг 13 фоизи ходимлар ҳақ тўланадиган таътилга чиқарилганлигини маълум қилди. Жавобларнинг атиги 2 фоизи ташкилот ишдан бўшаш ёки ташкилот фаолиятининг тўхтатилиши вариантларига тўғри келди. Қишлоқ ва шаҳарларда ушбу саволга барча жавоблар танланиши бир хил даражада қайд этилди.

7-расм. Карантин даврида ходимлар ишини тўхтатиш



Ишлашда давом этаётган ходимлар энг кам улушининг (ҳудуддаги компанияларнинг 46-60 фоизи) ва ҳақ тўланмайдиган таътилга чиққанлар энг катта улушининг бирикмаси бўйича Наманган, Қашқадарё, Жиззах, Навоий ва айниқса Сирдарё вилоятлари энг ноқулай ҳудудлар бўлди. Сирдарё вилоятида ҳақ тўланадиган таътилга чиққанларнинг улуши ҳам нисбатан юқори — вилоятдаги компанияларнинг 26,9 фоизи.

Навоий вилоятида алоҳида ҳолат кузатишмоқда: ҳақ тўланмайдиган таътилга чиқиш улуши анча паст (14,3%), тадбиркорларнинг 8,6 ходимларининг аксарияти ишдан бўшатирилганлигини маълум қилди. Бошқа ҳудудларда бу кўрсаткич 3 фоиздан ошмайди ва аксарият ҳолларда нолга тенг. Ходимлари ишлашни давом эттираётган корхоналарнинг энг юқори улуши Андижон вилоятида қайд этилган (75,6%).

8-расм. Карантин даврида ходимлар ишини ҳудудлар бўйича тўхтатиш

	Ишни давом этиряпти	Ҳақ тўланадиган таътилга чиқарилди	Ҳақ тўланмайдиган таътилга чиқарилди	Ишдан бўшатилды	Ташкилот фаолиятини тўхтатди
Андижон вилояти	75.6%	8.1%	16.3%	0.0%	0.0%
Сурхондарё вилояти	73.1%	11.5%	15.4%	0.0%	0.0%
Тошкент вилояти	71.6%	8.6%	18.5%	0.0%	1.2%
Бухоро вилояти	71.6%	8.6%	18.5%	0.0%	2.8%
Хоразм вилояти	71.4%	14.3%	11.9%	2.4%	0.0%
Қорақалпоғистон Республикаси	71.4%	2.9%	22.9%	2.9%	0.0%
Фарғона вилояти	70.1%	10.4%	16.9%	2.6%	0.0%
Самарқанд вилояти	70.0%	15.0%	15.0%	0.0%	0.0%
Тошкент шаҳри	63.0%	12.0%	22.8%	2.2%	0.0%
Наманган вилояти	60.0%	12.7%	27.3%	0.0%	0.0%
Қашқадарё вилояти	60.0%	28.0%	6.0%	2.0%	4.0%
Жиззах вилояти	59.5%	13.5%	27.0%	0.0%	0.0%
Навоий вилояти	54.3%	22.9%	14.3%	8.6%	0.0%
Сирдарё вилояти	46.2%	26.9%	26.9%	0.0%	0.0%

Тураар жой ва овқатланиш хизматлари сектори иқтисодиётнинг қолган қисмидан иш тўхтатилишининг барча шакллари энг кўп учраганлиги билан кескин ажралиб туради. Тадбиркорларнинг 55,4 фоизи аксарият ходимларнинг ҳақ тўланмайдиган таътилга чиқарилганлигини (бошқа тармоқларда бу кўрсаткич 23 фоиздан ошмади), 5,4 фоизи улар ишдан бўшатирилганлигини (бошқа тармоқларда бунинг улуши 2,8 фоиздан ошмади ва кўпинча нолга тенг бўлди) билдирди. Ҳақ тўланадиган таътил бошқа секторларга қараганда тураар жой ва овқатланиш хизматларида энг кенг тарқалган чора бўлди, бироқ бу кўп қўлланилмади. Соҳадаги компанияларнинг атиги 21 фоизи ходимлари ҳали ҳам ишлашда давом этаётганлигини билдирди.

Ишдан бўшатирилган ходимлар сони тўғрисида сўралганда тадбиркорларнинг 95 фоизи уларнинг ташкилотларида пандемия сабабли ходимлар ишдан бўшатирилмаганлигини, 98 фоизи аёллар ишдан бўшатирилмаганлигини билдирди. Ишдан бўшатиришнинг ўртача сони (ишдан бўшатириш ҳолатлари кузатирилган ташкилотлар орасида) корхонага 3 нафар ходимни ва 2,6 нафар аёл ходимни ташкил этади.

Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашдаги ўзгаришлар

Респондентларнинг аксарият қисми (85%) профилактика чоралари кўрилганига қарамай, иш ҳақи аввалги даражада сақланиб қолганлигини таъкидлади.

Сирдарё вилоятида кичик ва ўрта корхоналарда иш ҳақининг кескин (2 баравар ва ундан ортиқ) пасайиши қайд этилди — 19%. Бу борада Бухоро, Навоий ва Тошкент вилоятлари энг барқарор ҳудудлар бўлиб, ушбу вилоятларда сўраб чиқилганларнинг 5 фоиздан камроғи иш ҳақининг бирмунча пасайганлигини қайд этди.

Тармоқ белгиси бўйича маълумотларни кўриб чиқиб, ахборот ва алоқа секторида тадбиркорларнинг 100 фоизи иш ҳақи ўзгаришсиз қолганлигини маълум қилди. Тураар жой ва овқатланиш хизматлари соҳасида фаолият юритадиган компанияларда нисбатан ноқулай вазият юзага келди. Бу ерда ҳолатларнинг 12,5 фоизида иш ҳақи кескин камайиши кузатилды, респондентларнинг 7,2 фоизи оз ёки ўртача миқдорда (2 баравардан кам) камайганлигини қайд этди.

Корхоналар томонидан кўрилган чоралар


Бундай вазиятга дуч келган ҳар қандай фирма пандемия натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарбанинг салбий таъсирини камайтириш учун муайян чоралар кўради. Ушбу тадқиқотнинг мақсади, шунингдек, карантин даврида компаниялар томонидан амалга оширилган аниқ чораларни аниқлаш ҳам эди. Хусусан, масалалар компаниялар фаолиятининг қуйидаги жиҳатлари бўйича ўзгаришларга тааллуқли бўлди:

- етказиб берувчилар билан ҳамкорлик;
- харажатларни камайтириш;
- маҳсулот сотиладиган бозорлар / хариддорлар / мижозлар билан ишлаш;
- компанияни ривожлантириш режалари;
- пандемия ва карантиннинг бизнесга салбий таъсири рейтинги.

Етказиб берувчилар билан ўзаро муносабатлардаги ўзгаришлар

Сўров натижаларидан кўриниб турибдики, республикада коронавирус инфекцияси тарқалиши оқибатларини юмшатиш бўйича чоралар кўрилганидан сўнг аксарият корхоналарнинг (55%) етказиб берувчиларга нисбатан ташкилий сиёсатида бирор-бир ўзгаришлар бўлмади. Бундай вазият иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларида кузатилмоқда, бундан турар жой ва овқатланиш хизматлари мустасно, бу ерда компанияларнинг нисбатан кўпчилиги (15 фоиздан кўпроғи) харидларни тўхтатиб туриш тўғрисида келишувга эришишга мажбур бўлди. Бундан ташқари, кўпинча Хоразм (21%) ва Сурхондарё (17%) вилоятларида янги етказиб берувчилар изланганлиги ҳақида кўпроқ хабар берилди. Сўров натижаларига кўра харидларни тўхтатиб туриш ҳақида келишиб олганларнинг энг кўп сони Тошкент вилояти компаниялари орасида қайд этилди (16%).

9-расм. Карантин жорий этилганидан кейин етказиб берувчилар билан ҳамкорликни ўзгартириш



Харажатларни камайтириш йўналишида ўзгаришлар

COVID-19 тарқалишига қарши чоралар кўрилганидан сўнг харажатларни тежашга келсак, ташкилотларнинг 67 фоизи бирор-бир ўзгариш юз бермаганлигини таъкидлади. Кўшимча тўловларни (10%), иш ҳақини (8%) қисқартириш ва айрим ишлаб чиқариш тармоқларини

тўхтатиш (7%) ҳам нисбатан кўп тарқалган вариантлардан бўлди. Шунини таъкидлаш муҳимки, респондентларнинг атиги 1 фоизи фаолиятини тўхтатди ва давлат идораларидан субсидиялар олиш учун сўровлар юборди. Турар жой ва овқатланиш хизматлари кўрсатадиган компаниялар кўпинча савдо нуқталарини ёпиш, қўшимча тўловларни ёки иш ҳақини пасайтириш орқали харажатларни камайтиришга ҳаракат қилди. Бундан ташқари, ҳудудий нуқтаи назардан Сирдарё вилоятида харажатларни камайтириш энг кўп қайд этилди.

10-расм. Карантин жорий этилганидан кейин харажатларни камайтириш чора-тадбирлари



Маҳсулот сотиладиган бозорлар / харидорлар / мижозлар билан ишлашдаги ўзгаришлар

Умуман олганда, сўров натижалари кўрсатганидек, COVID-19 пандемиясига қарши кураш чоралари кўрилганидан кейин компанияларнинг маҳсулот сотиладиган бозорлар билан иш олиб боришида жиддий ўзгаришлар юз бермади. Хусусан, респондентларнинг 59 фоизи маҳсулот сотиладиган бозорлар билан иш олиб боришда бирор-бир ўзгариш бўлмаганлигини таъкидлади. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, корхоналарнинг 7 фоизи маҳсулот ва хизматлар нархларини пасайтирди.

11-расм. Карантиндан кейин маҳсулот сотиладиган бозорлар/харидорлар/мижозлар билан ишлашдаги тармоқлар бўйича ўзгариш



Ахборот ва алоқа сектори вакиллари мижозлар билан ишлашда ўзгаришлар бўлмаганлиги ҳақида энг кўп қайд этди (тармоқдаги компанияларнинг 80 фоизи). Бошқа соҳаларда ушбу жавоб вариантини танлаш улуши тахминан бир хил ва 52 фоиздан 68 фоизгачани ташкил этади.

Мижозлар билан етказиб бериш муддатларини кечиктириш тўғрисида келишув қурилиш (14%), транспорт ва сақлаш (13%) ҳамда саноат (11%) соҳаси бўйича нисбатан кўп қайд этилди. Қолган секторларда ушбу чоранинг улуши 4-8 фоизни ташкил этди ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида энг кам бўлди.


Маҳсулотлар ва хизматлар нархларининг пасайиши қишлоқ, ўрмон, балиқ хўжалиги ва саноат секторларида нисбатан кўп учради (9%). Транспорт ва сақлаш соҳасида нархларнинг пасайиши қайд этилмади.

Наманган вилоятидаги нисбатан кўпроқ корхоналар (24%) товар ва хизматлар нархларининг пасайганлигини қайд этгани алоҳида ажралиб туради. Аксинча, Тошкент вилоятида нархларнинг бирор-бир пасайиши кузатилмади. Кўпинча Сирдарё (16%) ва Фарғона (14%) вилоятлари корхоналари етказиб бериш муддатларини кечиктириш тўғрисида мижозлар билан келишувларга эришилганлиги ҳақида хабар берди.

Компанияларни ривожлантириш режаларидаги ўзгаришлар

Сўров натижалари кичик ва ўрта корхонанинг катта қисми (64%) пандемия бошланганидан бери ривожланиш режаларини ўзгартирмаганлигини кўрсатди. Корхоналарнинг атиги 5-6 фоизи бизнес юритишнинг янги шаклларини ўзлаштира бошлади ҳамда янги турдаги товар ва хизматлар ишлаб чиқишни тезлаштирди.

12-расм. Карантин жорий этилганидан кейин компанияларни ривожлантириш режаларидаги ўзгариш



Пандемия бошланганидан буён ўз бизнесини ривожлантириш режаларини ўзгартирмаганлигини билдирган респондентлар улуши транспорт ва сақлаш соҳасида энг юқори (83%) ҳамда савдо, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳаларида бир хил даражада паст (57%). Қолган тармоқлар ўртасида тақсимот 61 фоиздан 79 фоизгача. Ахборот ва алоқа соҳасида товарлар ва хизматларнинг янги турларини ишлаб чиқиш нисбатан тезлашганлиги қайд этилди (13%). Бу соҳада мижозлар билан ишлашнинг янги моделларини ривожлантириш улуши ҳам нисбатан юқори (7%).

Ҳудудий нуқтаи назардан Тошкент вилоятида бизнесни ривожлантириш режаларида бирор-бир ўзгаришлар бўлмаганлиги ҳақида энг кўп қайд этилди (88%). Бироқ Сирдарё вилоятида респондентларнинг атиги 30 фоизи ўзгаришлар йўқлигини таъкидлади. Жиззах (17%), Навоий (18%) ва Наманган (14%) вилоятларида нисбатан кўпроқ корхоналар товар ва хизматларнинг янги турларини ўзлаштириш бошланганлиги ҳақида хабар берди. Бундан ташқари, Сурхондарё вилояти (12%) ва Қорақалпоғистон Республикаси (10%) иштирокчилари республиканинг бошқа ҳудудлари вакилларига қараганда мижозлар билан ишлашнинг янги моделларини ишлаб чиқиш бошланганлигини нисбатан кўпроқ маълум қилди.

Пандемия ва карантиннинг бизнесга салбий таъсири рейтинги

Айрим саволларга берилган жавоблар умумлаштирилганидан сўнг “Пандемия ва карантиннинг Ўзбекистоннинг турли тоифадаги корхоналарига салбий таъсири” шартли рейтинги тузилди.

Сўровномадаги саволларга қуйидаги жавоблардан фойдаланилди:

- Ташкилот карантин шароитида тадбиркорлик фаолиятини олиб бормаяпти.
- Сўнгги 30 кун ичида товарлар ва хизматларга талаб сезиларли даражада камайди.
- Соф даромад 2019 йилнинг шу даврига нисбатан камаяди.
- Аксарият ходимлар турли сабабларга кўра карантинда ишламаяпти.

- Иш ҳақининг пасайиши кузатилди.
- Харидлар ҳажмининг пасайиши кузатилди.
- Маҳсулотлар ва хизматлар нархлари пасайди.
- Кредитлар бўйича тўловлар билан боғлиқ жиддий муаммолар.
- Солиқ тўловлари билан боғлиқ жиддий муаммолар.
- Ташкилотни янада муваффақиятли ривожлантириш бўйича ноаниқлик (10 баллик шкала бўйича 1-5 балл).

Рейтингга кўра турар жой ва овқатланиш хизматлари сектори энг кўп зарар кўрган бўлса, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, ахборот ва алоқа соҳалари энг кам зарар кўрди.

Ҳудудлар орасида пандемия Сирдарё, Наманган, Навоий вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасининг корхоналарига кўпроқ зарар келтирди.

Шаҳардаги корхоналар қишлоқдаги корхоналарга нисбатан кўпроқ зарар кўрди. Ҳам ички, ҳам ташқи бозорда ишлайдиган фирмалар фақат ички ёки фақат ташқи бозорларда ишлайдиган корхоналарга қараганда камроқ зарар кўрди.

2-жадвал. Пандемия ва карантиннинг Ўзбекистоннинг турли тоифадаги корхоналарига салбий таъсири рейтинги

	Ташкилот карантин шароитида тадбиркорлик фаолиятини олиб бормаяпти	Товарлар ва хизматларга бўлган талаб кейинги 30 кунда анча пасайди	Соф фойда 2019 йилнинг шундай даврига нисбатан пасаяди	Карантин шароитида кўпчилик ходимлар турли сабабларга кўра ишламаяпти	Иш ҳақи камайтирилди	Харидлар ҳажмлари камайди	Маҳсулот ва хизматлар нархлари пасайди	Кредитлар бўйича тўловлар билан боғлиқ жиддий муаммолар	Солиқ тўловлари билан боғлиқ жиддий муаммолар	Ташкилотни бундан кейин муваффақиятли ривожлантиришга ишонч йўқлиги (10-балл шкала бўйича 1-5 балл)	Пандемия салбий таъсири рейтинги (оддий ўртача арифметик)
Турар жой ва овқатланиш хизматлари	69,6%	47,3%	92,9%	78,6%	19,6%	17,1%	8,3%	10,9%	14,5%	21,4%	38,0%
Бошқа соҳалар	34,5%	34,0%	73,2%	40,8%	16,2%	9,9%	4,3%	7,7%	24,6%	14,1%	25,9%
Қурилиш	21,6%	20,0%	64,8%	36,8%	11,2%	15,2%	4,8%	12,0%	20,8%	8,0%	21,5%
Транспорт ва сақлаш	22,6%	19,4%	71,0%	41,9%	12,9%	3,2%	0,0%	6,5%	22,6%	12,9%	21,3%
Савдо	12,4%	18,8%	67,9%	21,8%	5,2%	19,6%	5,4%	21,4%	28,6%	11,4%	21,3%
Саноат	19,1%	19,9%	65,6%	37,5%	9,2%	12,5%	8,6%	15,8%	15,1%	8,6%	21,2%
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	21,4%	20,0%	60,7%	28,6%	14,3%	12,5%	3,6%	8,9%	10,7%	5,4%	18,6%
Ахборот ва алоқа	13,3%	13,3%	60,0%	13,3%	0,0%	6,7%	6,7%	6,7%	6,7%	13,3%	14,0%
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	6,0%	6,0%	35,3%	14,5%	0,9%	4,3%	9,5%	5,1%	7,7%	10,3%	10,0%
Сирдарё вилояти	23,1%	15,4%	69,2%	53,8%	19,2%	11,5%	4,0%	34,6%	34,6%	34,6%	30,0%
Наманган вилояти	18,2%	38,2%	70,9%	40,0%	7,3%	16,4%	23,6%	16,4%	23,6%	5,5%	26,0%
Тошкент шаҳри	31,0%	41,2%	72,5%	37,0%	12,5%	10,3%	3,3%	8,7%	22,8%	17,4%	25,7%
Навоний вилояти	25,7%	8,6%	71,4%	45,7%	2,9%	22,9%	11,4%	20,0%	25,7%	11,4%	24,6%
Қорақалпоғистон Республикаси	31,4%	35,3%	67,6%	28,6%	17,1%	8,6%	8,6%	8,6%	31,4%	0,0%	23,7%
Жиззах вилояти	21,6%	13,9%	54,1%	40,5%	10,8%	21,6%	8,1%	21,6%	5,4%	2,7%	20,0%
Қашқадарё вилояти	26,0%	14,0%	38,0%	40,0%	12,0%	8,0%	4,0%	18,0%	16,0%	12,0%	18,8%

	Ташкилот карантин шароитида тадбиркорлик фаолиятини олиб бормаяпти	Товарлар ва хизматларга бўлган талаб кейинги 30 кунда анча пасайди	Соф фойда 2019 йилнинг шундай даврига нисбатан пасаяди	Карантин шароитида кўпчилик ходимлар турли сабабларга кўра ишламаяпти	Иш ҳақи камайтирилди	Харидлар ҳажмлари камайди	Маҳсулот ва хизматлар нархлари пасайди	Кредитлар бўйича тўловлар билан боғлиқ жиддий муаммолар	Солиқ тўловлари билан боғлиқ жиддий муаммолар	Ташкилотни бундан кейин муваффақиятли ривожлантиришга ишонч йўқлиги (10-балл шкала бўйича 1-5 балл)	Пандемия салбий таъсири рейтинги (оддий ўртача арифметик)
Сурхондарё вилояти	25,0%	13,5%	78,4%	26,9%	11,5%	3,8%	3,9%	7,7%	11,5%	3,8%	18,6%
Тошкент вилояти	23,5%	18,5%	63,8%	28,4%	4,9%	19,8%	0,0%	3,7%	11,1%	12,3%	18,6%
Фағона вилояти	15,6%	13,0%	62,3%	29,9%	5,2%	13,0%	10,4%	7,8%	24,7%	3,9%	18,6%
Анджон вилояти	14,0%	14,0%	61,6%	24,4%	12,8%	16,3%	5,9%	9,3%	8,1%	18,6%	18,5%
Хоразм вилояти	14,3%	19,0%	73,8%	28,6%	7,1%	4,8%	9,5%	9,5%	14,3%	2,4%	18,3%
Самарқанд вилояти	18,3%	10,0%	63,3%	30,0%	10,0%	15,0%	5,0%	6,7%	8,3%	10,0%	17,7%
Бухоро вилояти	13,4%	9,2%	50,7%	28,4%	3,0%	4,5%	6,1%	10,4%	7,5%	7,5%	14,1%
Шаҳар жойи	24,60%	26,6%	69,4%	35,3%	11,5%	14,0%	6,2%	10,6%	19,3%	11,8%	22,9%
Қишлоқ жой	18,00%	13,7%	57,3%	29,9%	6,5%	9,8%	7,1%	11,5%	13,3%	9,8%	17,7%
Ички бозор	23,1%	23,0%	66,5%	34,5%	10,2%	12,5%	6,3%	10,8%	17,5%	11,0%	21,5%
Ташқи бозор	0,0%	11,1%	80,0%	30,0%	10,0%	30,0%	0,0%	40,0%	10,0%	0,0%	21,1%
Ҳам ички, ҳам ташқи бозорлар	15,2%	10,1%	44,9%	21,5%	3,8%	8,9%	10,3%	8,9%	12,7%	12,7%	14,9%
Жами	22,1%	21,7%	64,7%	33,3%	9,6%	12,4%	6,6%	10,9%	17,0%	11,0%	20,9%

3. Ҳукумат томонидан кўрилган кўллаб-қувватлаш чоралари

Коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши профилактика чоралари жорий этилганидан буюн Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ишбилармон доираларни кўллаб-қувватлаш бўйича чоралар кўрилди. Корхоналар янги имтиёзлар билан кўллаб-қувватланди, бу ҳар чорада ҚҚС тўлашга ўтиш, газ ва электр энергияси учун мажбурий олдиндан тўловни 30 фоизгача пасайтириш, банкротликка мораторий ўрнатиш ва бошқа чораларни ўз ичига олди.

Бундан ташқари, карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган яқка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқнинг ва ижтимоий солиқнинг қатъий белгиланган миқдорини ҳисоблаш давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани тақдим этиш заруратисиз тўхтатиб қўйилди.

2020 йил 1 октябрдан ўз фаолиятини тўхтатган микрофирмалар, кичик корхоналар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга ва (ёки) товарларни (хизматларни) сотишдан тушадиган фойдаси миқдори жорий йилнинг биринчи чорагидаги ўртача ойлик фойда миқдори билан таққослаганда 50 фоиздан ортиққа камайган тадбиркорларга солиқ тўлашни фоизсиз кечиктириш (бўлиб бўлиб тўлаш) ҳукуки берилди.

Мамлакат ҳукумати томонидан ташкилотларни ташқи кўллаб-қувватлашнинг турли тадбирлари самарадорлигини баҳолаш учун сўровномада қатнашганларга бир нечта кўрсаткич тақлиф қилинди:

- Бир йилга кредит таътиллари.
- Бир йилга солиқ таътиллари.
- Давлат кафолатларини бир йилга узайтириш.
- Давлат активлари учун ижара ҳақининг бир йилга тўхтатилиши.
- Қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг сезиларли даражада (20-50 фоизгача) пасайтирилиши (узиш муддати бир йилгача).
- Давлат активлари ижара ҳақининг керакли даврга сезиларли даражада (20-50 фоизгача) пасайтирилиши.
- Ижтимоий тўловлар ва меҳнат даромадларидан олинадиган солиқларнинг керакли даврга сезиларли даражада (20-50 фоизгача) пасайтирилиши.
- ҚҚС, акциз, фойда / дивиденд / мол-мулк солиқларнинг керакли даврга сезиларли даражада (20-50 фоизгача) пасайтирилиши.
- Божхона тарифларини сезиларли даражада ошириш орқали импортдан ҳимоя қилиш (маҳаллий компаниялар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун).
- Бизнесни кўллаб-қувватлаш учун субсидиялар (грантлар), агар компания катта зарар кўрган бўлса (банкротлик арафасида бўлса).
- Компанияларнинг ёлланма ходимлари учун ҳукумат томонидан бир марталик ижтимоий ёрдам тўлови (қарийб 5 млн сўм миқдорида).
- Ёлланма ходимлар учун солиқ таътиллари.


4. Ҳукумат томонидан кўрилган чора-тадбирларни баҳолаш

Коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш даврида ҳар бир кўрсаткич тадқиқотда иштирок этган компаниялар иши учун унинг самарадорлиги бўйича баҳоланди.

Респондентларнинг кўпчилиги ҳукумат томонидан бизнесни кўллаб-қувватлаш мақсадида кўрилган чора-тадбирлар турли даражада самарали (жуда самарали, самарали ва ўртача даражада самарали) бўлган деб жавоб берди. Масалан, респондентларнинг 58,7 фоизи учун

ижтимоий ажратмаларни (20-50 фоизга) ва меҳнат даромадларига солинадиган солиқларнинг сезиларли даражада пасайтирилиши “самарали”, респондентларнинг 26,8 фоизи учун “юқори даражада самарали” бўлиб туюлди. Сўраб чиқилган бизнес вакилларининг атиги 3,6 фоизи ушбу тадбир самарасиз бўлганлигини билдирди.

13-расм. Бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукуматнинг турли чора-тадбирлари самарадорлигини баҳолаш



Сўраб чиқилганларнинг 16,3 фоизи кредит таътили каби тадбирдан фойдаланмаган бўлса, 11,6 фоизи уни самарасиз деб ҳисоблайди. Шунга қарамай, банклар томонидан тақдим этилган кредит таътиллари 887 та фирмадан 597 таси учун (67,3%) маълум даражада фойдали бўлди. Шундай қилиб, бир йил давомида солиқ таътиллари “самарали чоралар” сифатида баҳоланди (респондентларнинг 78,5 фоизи).

Респондентларнинг одатда 2-6 фоизи жавоб беришга қийналди, божхона тарифларини жорий этиш масаласида бу кўрсаткич 8,8 фоизни ташкил қилади. Бундай вариантнинг кам учраши сабабли у кейинги таҳлилларда ҳисобга олинмади. Бундан ташқари, муайян чоранинг қўлланилмаслиги тўғрисидаги жавобларни таҳлилдан чиқариб ташлашга қарор қилинди, чунки кўпчилик тадбиркорлар ушбу чоранинг ўз бизнесига нисбатан қўлланилмаслигини ва давлат даражасида қўлланилмаслигини аралаштириб юборди (давлат активларини ижарага бериш тўғрисида масала бўйича бундай жавоблар энг кўп берилди — респондентларнинг 34 фоизи, бошқа ҳолларда у жавобларнинг 3 фоизидан 26 фоизгача ташкил этди).

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг маълум бир соҳадаги корхона ва фирмалар фаолиятига таъсирини ўрганиш мақсадида сўров маълумотлари иқтисодий секторлар нуқтаи назаридан ҳам таҳлил қилинди. Бунда 3 баллдан 3 баллгача бўлган баллар қуйидаги жавоблар учун белгиланди: чора самарасиз — 3 балл, ўртача самарали — 1 балл, самарали — 2 балл, юқори даражада самарали — 3 балл. Шундан сўнг ҳукумат томонидан тақлиф қилинган ҳар бир қўллаб-қувватлаш чораси бўйича ўртача ўлчанган балл

иктисодиётнинг айрим секторлари учун ҳисоблаб чиқилди. Респондентлар ҳукумат томонидан кўрилган чора-тадбирларни қанча кўп “самарасиз” деб баҳоласа, уларнинг жавоблари ўртача балларгага шунча кўп салбий таъсир кўрсатди. Аксинча, агар ҳукумат томонидан бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чоралар сектордаги фирмалар вакилларининг кўпчилиги томонидан “юқори самарали” ёки “самарали” деб топилган бўлса, ушбу сектор учун ўртача ўлчанган балл 3 баллга яқин бўлди.

Респондентларнинг фикрича, ҳисобланган ўртача кўрсаткичлар COVID-19 пандемиясига қарши курашиш даврида бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича турли хил чораларнинг самарадорлигини таққослаш имконини беради. Респондентларнинг ўртача ҳисоб-китобларига кўра ҳукумат томонидан коронавирус инқирози оқибатларини юмшатиш мақсадида кўрилган чора-тадбирларни кўйидаги 3 гуруҳга бўлиш мумкин: анча самарали (ўртача қийматлар 2,1-3,0 балл), нисбатан самарали (ўртача қийматлар 1,1-2,0 балл) ва самараси паст (ўртача қийматлар 1,0 баллдан кам).


Қисқа муддатли (узиш муддати бир йилгача бўлган) кредитлар фоиз ставкаларининг сезиларли даражада (20-50 фоизгача) пасайтирилиши ва давлат активлари ижара ҳақининг (20-50 фоизгача) пасайтирилиши талаб қилинган даврда иқтисодиётнинг барча секторлари учун анча самарали бўлди. Ҳар учинчи респондентларнинг фикрича, ушбу чоралар “юқори самарали” бўлган. Респондентларнинг деярли ярми фоиз ставкалари ва давлат активлари ижара қийматининг сезиларли даражада пасайтирилишини “самарали” деб топди.

3-жадвал. Респондентлар томонидан бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат чора-тадбирлари самарадорлигини баҳолаш


Чора-тадбирлар	Ахборот ва алоқа	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	Қурилиш	Савдо	Саноат	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий	Транспортда ташиш ва сақлаш	Турар жой хизматлари	Бошқа соҳалар
Бир йилга кредит таътиллари	1,1	2,0	1,6	1,4	1,3	1,3	0,9	1,2	1,2
Бир йилга солиқ таътиллари	1,6	1,8	1,5	1,4	1,2	1,5	0,9	1,2	1,6
Давлат кафолатларини бир йилга узайтириш	1,8	2,1	1,7	1,7	2,0	1,5	1,5	2,1	2,0
Давлат активлари учун ижара ҳақининг бир йилга тўхтатилиши	2,3	1,8	1,8	1,9	1,6	1,3	2,1	1,6	2,1
Фоиз ставкаларининг сезиларли даражада пасайтирилиши	2,5	2,2	2,2	2,2	2,1	2,3	2,1	2,2	2,3
Давлат активлари учун ижара тўловларининг сезиларли даражада пасайтирилиши	2,5	2,1	2,2	2,1	2,2	2,2	2,4	2,0	2,1
Ижтимоий ажратмалар ва меҳнат даромадлари бўйича солиқларнинг сезиларли даражада пасайтирилиши	1,9	2,1	2,0	2,1	2,1	2,1	2,3	2,0	2,1
ҚҚС, акциз солиғи, даромад / дивиденд / мол-мулк солиғининг сезиларли даражада пасайтирилиши	2,2	2,1	2,1	1,9	2,2	2,2	2,3	2,3	2,0
Импортни муҳофаза қилиш	2,0	1,7	1,5	1,7	1,3	1,9	1,9	1,9	1,7
Бизнесни қўллаб-қувватлаш учун субсидиялар (грантлар)	2,3	2,2	2,3	2,2	2,2	2,1	1,9	2,3	2,3

Хукумат томонидан бир марталик ижтимоий ёрдам тўлови	2,1	2,1	2,1	2,2	2,1	1,9	2,3	2,1	2,0
Ходимлар учун солиқ таътиллари	2,2	1,6	1,3	1,9	1,6	1,3	1,1	1,5	1,7

14-расм. Қисқа муддатли кредитлар бўйича фоиз ставкаларини камайтириш самарадорлигини баҳолаш



15-расм. Давлат активлари ижара ҳақини керакли даврга камайтириш самарадорлигини баҳолаш



Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, савдо, саноат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар, транспорт ва сақлаш секторлари кўпчилик вакилларининг ҳисоб-китобларига кўра ижтимоий ажратмалар ва меҳнат даромадларига солинадиган солиқларнинг сезиларли даражада камайиши ҳукуматнинг анча самарали чоралари рўйхатига киради.

Шу билан бирга, айрим секторлар бўйича баҳолардан ташқари ҚҚС, акциз солиғи, даромадлар / дивидендлар / мол-мулк солиқлари пасайтирилиши, банкротлик арафасида турган компаниялар бизнесини қўллаб-қувватлаш учун субсидиялар ва грантлар ажратилиши, шунингдек, компанияларнинг ёлланма ходимларига ҳукумат томонидан тўланадиган бир марталик (5 млн сўмдан) ижтимоий ёрдам анча самарали чора-тадбирлар рўйхатига киради.

Респондентлар нисбатан самарали чора-тадбирлар рўйхатига қуйидагиларни киритади:

- а) кредит таътиллари (транспортда ташиш ва сақлаш секторидан ташқари);
- б) солиқ таътиллари (транспортда ташиш ва сақлаш секторидан ташқари);
- в) давлат кафолатларини узайтириш;
- г) давлат активлари ижара ҳақини тўлашни тўхтатиб туриш (барчаси бир йилга);
- д) божхона тарифларини сезиларли даражада ошириш орқали импортдан ҳимоя қилиш;
- е) ёлланма ходимлар учун солиқ таътиллари.

Транспорт ва сақлаш секторида респондентларнинг нисбатан катта қисми (тахминан 20 фоизи) кредит ва солиқ таътиллари “самарасиз” бўлганлигини таъкидлади. Шу сабабли ўртача чамаланган баҳога кўра кредит ва солиқ таътиллари фақат ушбу сектор учун самараси паст чора-тадбирлар рўйхатига киради.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳаларида, шунингдек саноатда кредит таътилларининг самарадорлиги нисбатан юқори баҳоланди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳаларида сўровда қатнашган тадбиркорлар солиқ таътилларидан кўпроқ фойда кўрди.


5. Қўллаб-қувватлаш бўйича кейинги чоралар

Ҳукумат томонидан кўрилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш билан бир қаторда респондентларнинг ўз фаолияти қанчалик қўллаб-қувватланганлиги ҳақидаги фикрларини билиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги вақтда ташкилотларга керак бўлган ёрдам ҳақидаги саволга жавоб бериш учун тадбиркорларга 24 та жавоб варианты таклиф этилди. Улар амалий чора-тадбирлар мисолларидан, шу жумладан солиқлар ва йиғимларни кечиктириш, кредитлар бўйича фоиз ставкаларини пасайтириш, солиқ имтиёзлари, иш ҳақи тўлашда ёрдам бериш каби мисоллардан иборат бўлди.

Респондентларнинг нисбатан кўпчилиги томонидан ҳозирги вақтда корхоналар кўпроқ солиқ имтиёзларига (42%) ва кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг пасайтирилишига (38%) эҳтиёж сезаётганлиги таъкидланди. Муҳим чоралар рўйхатида, шунингдек, солиқ ва йиғимлар тўлашни кечиктириш (24%), кредитлар бўйича тўловларни кечиктириш (19%), қисқа муддатли айланма маблағлар (18%), коммунал тўловларни кечиктириш (12%) ва ҳоказолар жой олди. Транспорт хизматлари ва иш ҳақини тўлашда ёрдам кўрсатиш

сўровномаларнинг 11-12 фоизда қайд этилди. Қўллаб-қувватлашнинг бошқа вариантларини сўровда қатнашганларнинг 10 фоиздан камроғи кўрсатди.

16-расм. “Ҳозирги вақтда ташкилотингизга кўпроқ қандай ёрдам керак?” деган саволга жавоблар тақсимланиши



Энг оммабоп бешта қўллаб-қувватлаш чора-тадбири (ҳар бири респондентнинг 15 фоизи томонидан кўрсатилган) географик ва тармоқ омилларини аниқлаш учун таҳлил қилинди. Қишлоқ жойларда шаҳарлар билан таққослаганда кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг пасайтирилиши зарур ёрдам сифатида (7 фоизга) кўпроқ кўрсатилди. Шаҳардаги тадбиркорлар солиқлар ва тўловларни кечиктириш зарурлигини нисбатан кўпроқ (5%) ва солиқ имтиёзлари тақдим этилишини бирмунча кўпроқ (3 фоиздан кам) қайд этди. Қолган қўллаб-қувватлаш вариантлари шаҳар ва қишлоқда бир хил даражада тез-тез қайд этилди.

Солиқ имтиёзлари бошқа вилоятларга қараганда кўпроқ Сирдарё ва Фарғона вилоятларидан (58-62%), шунингдек Бухоро вилоятидаги (52%) респондентлар томонидан кўрсатилди. Навоий ва Сурхондарё вилоятлари вакиллари бу вариантни камроқ кўрсатди (компанияларнинг 20 фоиздан камроғи). Қолган ҳудудларда бу танлов 24-48 фоизгача ўзгариб турди.

Кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг пасайтирилиши кўпинча Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида қайд этилди (ҳудуддаги компанияларнинг 56-63 фоизи). Ушбу қўллаб-қувватлаш чораси Тошкент шаҳрида (21%) ва Қорақалпоғистон Республикасида (24%) энг кам қайд этилди. Қолган ҳудудларда бу танлов улуши 31-51 фоизгача ўзгариб турди.

Солиқларни (йиғимларни) ва кредитлар бўйича тўловларни кечиктириш мақсадга мувофиқлиги қолган ҳудудларга қараганда кўпроқ Қашқадарё вилоятида муҳокама қилинди (иккала жавоб учун ҳудуддаги компанияларнинг 38-40 фоизи). Хоразм ва Фарғона вилоятларида солиқларни кечиктириш, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида кредитлар бўйича тўловларни кечиктириш мақсадга мувофиқлиги ҳақида айтилди (барча ҳолатларда 31-34%). Ушбу иккала чора Қорақалпоғистон Республикасида кам қайд этилди (9 фоиздан). Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятида фақат кредитни кечиктириш ана шундай кам кўрсатилди (9-

11%). Қолган ҳудудларда танлов улуши солиқ бўйича 14-30 фоизгача ва кредитни кечиктириш бўйича 14-25 фоизгача ўзгариб турди.

Қисқа муддатли айланма маблағлар, айниқса, Қорақалпоғистон (ҳудуддаги компанияларнинг 44 фоизи), Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари (37 фоиздан) тадбиркорлари томонидан кўп кўрсатилди. Бу ҳақда Бухоро ва Андижон вилоятларида камдан-кам тилга олинди (5 фоиздан). Қолган ҳудудларда танлов улуши 11-29 фоизгача ўзгариб турди.

Тармоқлар бўйича олинган маълумотларни кўриб чиқиб, шуни таъкидлаш мумкинки, савдо соҳаси учун солиқ имтиёзлари энг кўп кўрсатилган (тармоқдаги компанияларнинг 50 фоизи). Ушбу чора соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар, ахборот ва алоқа соҳаларида нисбатан камроқ кўрсатилди (29 фоиздан). Қолган тармоқларда танлов улуши анча ўхшаш — 34-45% атрофида.

4-жадвал. “Ҳозирги вақтда ташкилотингизга кўпроқ қандай ёрдам керак?”
(тармоқлар бўйича маълумотлар)

	Солиқ имтиёзлари	Кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг пасайтирилиши	Солиқлар ва йиғимларни кечиктириш	Кредитлар бўйича тўловларни кечиктириш	Қисқа муддатли айланма капитали
Саноат	42%	45%	28%	25%	20%
Транспорт ва сақлаш	45%	45%	21%	17%	3%
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	34%	43%	16%	20%	17%
Қурилиш	45%	42%	20%	15%	25%
Турар жой ва овқатланиш хизматлари	35%	36%	27%	22%	20%
Савдо	50%	36%	25%	18%	16%
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	29%	30%	25%	20%	13%
Бошқа соҳалар	37%	26%	22%	13%	16%
Ахборот ва алоқа	29%	21%	21%	21%	14%

Кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг пасайтирилиши кўпинча саноат, транспортда ташиш ва сақлаш соҳаларида (тармоқдаги компанияларнинг 45 фоизи), шунингдек қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ва қурилиш соҳаларида (42-43%) қайд этилди. Бу вариант ахборот ва алоқа соҳасида нисбатан камроқ кўрсатилди (21%). Қолган тармоқларда танлов улуши анча ўхшаш ва 26-36 % оралиғида ўзгариб туради.

Солиқлар ва йиғимлар тўлашни кечиктириш деярли барча секторларда бир хил даражада кўрсатилди (компанияларнинг 20-28 фоизи). Ушбу вариант қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги корхоналари бўйича бирмунча камроқ кўрсатилди (16%).

Барча тармоқ компаниялари (ҳар бири 13-25%) бир хил даражада кредитлар бўйича тўловларни кечиктириш тўғрисида маълум қилди. Саноат соҳаси вакиллари бунга нисбатан кўпроқ қайд этди (соҳадаги компанияларнинг 25 фоизи). Бошқа соҳаларга киритилган ташкилотлар ва қурилиш ташкилотлари бу чорани нисбатан камроқ кўрсатди (13-15%).

Бошқа компанияларга нисбатан қурилиш компаниялари қисқа муддатли айланма маблағларни бирмунча кўпроқ танлади (саноат компанияларининг 24 фоизи). Транспорт ва сақлаш соҳасида бундай қўллаб-қувватлаш чораси анча кам қайд этилди (3%). Қолган тармоқларда танлов улуши анча ўхшаш — 13-20%.

COVID-19 пандемияси Ўзбекистон иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатди. Бунда озми-кўпми зарар кўрган саноат тармоқлари, хуудлар, аҳоли тоифалари ва бизнес соҳалари мавжуд. Туризм, меҳмонхона бизнеси ва умумий овқатланиш соҳасида фаолият кўрсатадиган компаниялар энг кўп зарар кўрди. Айнан шу ерда талаб ва даромадлар кескин пасайиши, фаолиятнинг оммавий тўхтатилиши, ходимлар тез-тез таътилга (айниқса, ҳақ тўланмайдиган таътилга) жўнатилиши ва ишдан бўшатилиши, қолган ходимларнинг иш хақи ва қўшимча тўловлари пасайтирилиши кузатилди.

Маҳсулотга бўлган талаб аввалги даражада сақланиб қолган қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, шунингдек, ахборот-коммуникация хизматларининг айрим турларига талаб ошган ахборот ва алоқа сектори энг кам зарар кўрди.

Хуудлар орасида пандемия Сирдарё, Наманган, Навоий вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасининг корхоналарига кўпроқ зарар келтирди.

Шаҳардаги корхоналар қишлоқдаги корхоналарга қараганда кўпроқ зарар кўрди. Ҳам ички, ҳам ташқи бозорларда ишлайдиган фирмалар фақат ички ёки фақат ташқи бозорларда ишлайдиган корхоналарга қараганда камроқ зарар кўрди.

Респондентларнинг фикрича, карантиннинг биринчи ойларида корхоналар фаолиятига асосан қуйидагилар таъсир кўрсатди: корхоналарнинг товарлари ва хизматларига бўлган талабнинг пасайиши (респондентларнинг 46,1 фоизи); сотиш имкониятлари / маҳсулот сотиладиган бозорларга чиқиш йўллари ёпилиши (респондентларнинг 24,2 фоизи); асосан кўрилган карантин чоралари туфайли корхоналарнинг ёпилиши (респондентларнинг 22,1 фоизи). Натижада компаниялар вакилларининг 64,7 фоизи 2020 йилнинг биринчи ярмида уларнинг соф даромади 2019 йилнинг шу даврига нисбатан камаяди, деб тахмин қилди.

Респондентлар харажатларнинг айрим турлари, биринчи навбатда транспорт харажатларининг ўсиши (респондентларнинг 18,5 фоизи) билан боғлиқ харажатлар, ходимларга ШХВ сотиб олиш учун харажатлар (9,5%) ошганлигини қайд этди. Шунингдек, солиқларни (17%), ижара ҳақи ва коммунал тўловларни (11,6%), кредитлар бўйича тўловларни (10,9%) тўлаш билан боғлиқ қийинчиликлар, ходимларни ишга ва ишдан уйга транспортда ташиш зарурлиги (15,8%) қайд этилди.

Коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши профилактика чоралари қўлланила бошланганидан буён Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ишбилармон доираларни қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилди. Респондентлар қуйидагиларни энг самарали деб топди:

- Бизнесни қўллаб-қувватлаш учун субсидиялар (грантлар), агар компаниялар катта зарар кўрган бўлса (банкротлик арафасида бўлса).
- Компаниялар ёлланма ходимлари учун ҳукумат томонидан бир марталик ижтимоий ёрдам тўлови (қарийб 5 млн сўм миқдорида).
- Қисқа муддатли ва узок муддатли кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг сезиларли даражада (20-50 фоизга) пасайтирилиши.
- Ижтимоий ажратмалар ва меҳнат даромадларидан олинадиган солиқларнинг керакли даврга сезиларли даражада (20-50 фоизга) пасайтирилиши.
- ҚҚС, акцизлар, даромад / дивиденд / мол-мулк солиқларининг керакли даврга сезиларли даражада (20-50 фоизга) пасайтирилиши.

Ҳозирги вақтда бизнесга энг керак бўлган ёрдам ҳақидаги саволга жавоб бериш учун респондентларга амалий чора-тадбирлар мисолларидан иборат бўлган 24 та жавоб варианты таклиф этилди. Сўров у ўтказилаётган вақтда корхоналар солиқ имтиёзларига (42%) ва кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг пасайтирилишига (38%) кўпроқ эҳтиёж сезганлигини кўрсатди. Энг зарур чоралар рўйхати солиқлар ва тўловларни кечиктириш (24%), кредитлар бўйича тўловларни кечиктириш (19%), айланма маблағларни тўлдириш (18%), коммунал хизматлар учун тўловларни кечиктириш (12%) билан давом эттирилди.

Шундай қилиб, ушбу тадқиқот COVID-19 пандемияси аҳоли ва бизнеснинг турли тоифаларига, ҳудудлар ва иқтисодий тармоқларига ҳар хил таъсир кўрсатишини тасдиқлади. Афтидан, инқироз оқибатлари иқтисодийнинг турли сегментларида турли йўллар билан бартараф этилади. Тегишли равишда ҳукумат ушбу ҳолатни ҳисобга олиши ва бизнесни ривожлантиришдаги “нозик жойлар”ни бартараф этишга қаратилган, жорий иқтисодий инқирознинг тармоқ ва минтақавий хусусиятларини ҳисобга оладиган тоифаланган аниқ сиёсат олиб бориши керак. Ҳукумат томонидан туризм ва унга алоқадор саноат, транспорт, банк соҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар мамлакат раҳбарияти ушбу ҳолатни ҳисобга олаётганлигидан далолат беради.

Айни пайтда пандемия билан боғлиқ таҳдидларга аниқ жавоб бериш учун маълумотларни тўплаш ва иқтисодийдаги вазиятни баҳолашнинг янада самарали усуллари зарур. Маълумотларни тўплаш ва қайта ишлашнинг мавжуд тизими юз бераётган ўзгаришлар ҳақида тезкор, батафсил ва сифатли маълумот олиш имконини бермайди. Хусусан, ишлаб чиқариш ҳажми, даромадлар, фойда, инвестициялар, иқтисодийнинг реал секторидаги бандлик, шунингдек олинган, тўланган ва муддати ўтган кредитлар ҳақида тармоқлар ҳамда ҳудудлар бўйича тоифаланган маълумотларни ҳар ойда тўплаш ва эълон қилиш зарур.

Кичик ва ўрта корхоналар учун энг катта муаммо бу **даромаднинг пасайишидир**. Шу муносабат билан Ҳукумат томонидан бизнесга тушадиган солиқ ва бошқа молиявий юкларни камайтириш ҳамда банкротлик арафасида турган корхоналарга грантлар бериш бўйича кўрилган чоралар жуда фойдали бўлди.

Маҳаллий корхоналар товарлари ва хизматларига бўлган талабнинг пасайиши даромаднинг пасайишининг асосий сабаби ҳисобланади. Шунинг учун, айниқса уй хўжалиқларининг даромадларига солиқ юкини енгиллаштириш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш орқали талабни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар бу муаммони ҳал қилишга қўмақлашди.

Карантин туфайли **корхоналар ёпилиши, маҳсулот сотиладиган бозорларга чиқиш имкониятларининг, ресурслардан фойдаланишнинг чегараланганлиги билан боғлиқ муаммолар** кўрилаётган чоралар сусайтирилиши ва чегаралар очилиши билан ҳал этилади. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг ташқи савдо ҳамкорлари билан савдо оқимларини тиклаш ва кенгайтириш бўйича келишувларни сақлаб қолиш жуда муҳимдир. Шунинг учун ҳам маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларига қўшимча талабни яратишга қаратилган протекционистик сиёсатнинг “осон йўли”дан бормаслик жуда муҳимдир. Биринчидан, бу ташқи иқтисодий алоқалар ва ўзбек экспорти бозорларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Иккинчидан, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар — импорт қилинадиган ресурсларнинг истеъмолчилари зарар кўриши мумкин. Учинчидан, протекционизм рақобат муҳитининг ҳолатига ўта салбий таъсир қилади ва натижада мамлакатнинг узоқ муддатли иқтисодий ривожланишига зарар етказиши.

Кредитлардан фойдаланиш мумкинлиги, энг аввало, фоиз ставкалари даражасининг мақбуллиги масаласи бизнеснинг кўплаб тоифалари учун айниқса инқироз шароитида жуда

муҳим. Бу ерда фоиз ставкаларининг юқори бўлишининг объектив сабабларини ҳисобга олиш керак: инфляциянинг нисбатан юқори (икки рақамли) даражаси, имтиёзли кредитлаш амалиётидан, асосан, давлат корхоналарида фаол фойдаланиш (бу эркин бозорда пул ресурслари танқислигини келтириб чиқаради ва уларнинг нарҳини оширади). Шу сабабли кредитлар ресурсларидан фойдаланиш имкониятини ошириш учун банк ислоҳотларини ўтказишни жадаллаштириш ва инфляцияни жilовлаш чораларини кўриш зарур (бунинг асосий сабаби юқорида айтиб ўтилган имтиёзли кредитлар). Тегишли равишда фоиз ставкаларини пасайтириш, имтиёзли кредитлаш амалиётини кенгайтириш бўйича маъмурий чора-тадбирлар гарчи қисқа муддатли таъсир кўрсатиши мумкин бўлса-да, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда кредитлардан фойдаланиш билан боғлиқ муаммони янада кучайтиради.

Шундай қилиб, ҳукуматга бюджет сиёсати воситаларидан фойдаланишга эътибор қаратиш тавсия этилади: биринчи навбатда, бизнесга тушадиган умумий солиқ юкини камайтириш, шунингдек, пандемия туфайли иқтисодиётнинг энг кўп зарар кўрган тармоқлари учун бюджетни қўллаб-қувватлашнинг мақсадли чораларини қўллаш.

Респондентларнинг демографик профили

Тадқиқотда 18 ёшдан 79 ёшгача бўлган бизнес раҳбарлари иштирок этди, уларнинг аксарияти (79%) эркаклар эди. Кичик ва ўрта бизнес ташкилотларининг раҳбар аёллари сўраб чиқилганлар умумий сонининг бешдан бир қисмини (21%) ташкил этди.


Гендер белги бўйича кичик ва ўрта корхоналар раҳбарлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатишича, жойлашган ери нуқтаи назаридан шаҳарда раҳбар лавозимини эгаллаган хотин-қизлар улуши қишлоқ жойларга қараганда деярли икки баравар юқори (тегишли равишда 25,3% ва 12,7%).

Хўжалик тармоқлари орасида ахборот ва алоқа соҳаси алоҳида ўрин тутади, бу ерда раҳбар лавозимидаги аёлларнинг улуши эркаклар улушига нисбатан атиги 7 фоизга паст (53,3 фоиз). Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (10%), транспорт ва сақлаш (13%) соҳаларида хотин-қизларнинг улуши кам, бу кўрсаткич саноат ва қурилишда 16 фоизни ташкил этади. Бошқа тармоқларда сўраб чиқилганлар орасида аёлларнинг улуши тахминан 24-30 фоизгача ўзгариб туради.


5-жадвал. Респондентларнинг жинси ва компаниянинг жойлашуви бўйича тақсимланиши

Истиқсодиёт сектори	Ахборот ва алоқа	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	Қурилиш	Савдо	Саноат	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	Транспортда ташиш ва сақлаш	Турар жой ва овқатланиш хизматлари	Бошқа соҳалар	Умумий сони
Ташкилот вакили										
Аёллар	7	12	20	47	24	16	4	17	35	182
Эркаклар	8	105	105	146	128	40	27	39	107	705
ЖАМИ	15	117	125	193	152	56	31	56	142	887
Рўйхатдан ўтган жой										
Шаҳар	13	30	80	112	99	45	17	39	114	549
Қишлоқ жой	2	87	45	81	53	11	14	17	28	338
ЖАМИ	15	117	125	193	152	56	31	56	142	887

17-расм. Жинс ва ташкилот жойлашган ер бўйича тақсимлаш



18-расм. Респондентларнинг ёш бўйича тақсимланиши




Компаниялар раҳбарлари аксариятининг (81 %) ёши 30 ёшдан 60 ёшгача.

Компаниялар ихтисослиги

Ташкилотларнинг аксарияти (62%) шаҳарларда рўйхатдан ўтган, қишлоқ жойларда рўйхатдан ўтган ташкилотлар 38 фоизни ташкил этади. Ўзбекистон ҳудудлари бўйича тақсимлаш маълумотларини кўриб чиқиб, шунини таъкидлаш мумкинки, респондентларнинг 20 фоизи Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган ташкилотларнинг вакили, ҳар ўнинчи респондент (9 фоиздан 11 фоизгача) Тошкент, Фарғона ва Андижон вилоятларида рўйхатдан ўтган. Сирдарё вилоятида рўйхатдан ўтган корхоналар энг кам улушни ташкил этди (3%).


19-расм. Респондентларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши



Тошкент шаҳридан кейин Сурхондарё (73%) ва Хоразм (69%) вилоятларида шаҳар корхоналарининг улуши айниқса юқори. Сирдарё (69%) ва Қашқадарё вилоятларида (66%) қишлоқ компанияларининг улуши энг катта. Тармоқлар бўйича маълумотларга кўра шунини таъкидлаш мумкинки, “ахборот ва алоқа” (шаҳар корхоналарининг 87 фоизи), “соғлиқни

сақлаш ва ижтимоий хизматлар” (80%), “бошқа соҳалар” (80%) иқтисодиётнинг энг кўп шаҳар билан боғлиқ бўлган тармоқлари ҳисобланади.

20-расм. Компанияларнинг секторлар бўйича жойлашган ери



Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигидан ташқари асосан қишлоқ компанияларидан иборат бўлган тармоқлар мавжуд эмас (шаҳар корхоналарининг 26 фоизи). Транспорт ва сақлаш, шунингдек савдо соҳалари учун шаҳар ва қишлоқ компанияларининг улуши нисбатан ўхшаш (40-50 фоиздан).

Ахборот ва алоқа соҳаси улуши барча ҳудудларда 4 фоиздан камроқни ташкил этди, Хоразм вилояти бундан мустасно — ушбу ҳудудда танланган компанияларнинг 5 фоизи. Намунада Андижон, Наманган, Сирдарё, Самарқанд, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида бундай ташкилотлар келтирилмаган.

6-жадвал. Сўралган компанияларнинг ҳудудлар ва тармоқлар бўйича тақсимланиши

Ҳудуд	Ахборот ва алоқа	Бошқа соҳалар	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	Қурилиш	Савдо	Саноат	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	Транспортда ташиш ва сақлаш	Турар жой ва овқатланиш хизматлари
Андижон	0%	10%	9%	14%	38%	23%	0%	2%	2%
Фарғона	1%	0%	6%	18%	38%	30%	3%	3%	1%
Наманган	0%	9%	20%	11%	29%	20%	7%	0%	4%
Тошкент	1%	10%	19%	11%	15%	21%	4%	9%	11%
Сирдарё	0%	19%	23%	4%	19%	15%	0%	4%	15%
Жиззах	3%	8%	24%	19%	19%	11%	8%	0%	8%
Самарқанд	0%	18%	17%	15%	13%	15%	13%	5%	3%
Қашқадарё	2%	4%	28%	18%	10%	14%	8%	8%	8%
Сурхондарё	4%	29%	12%	17%	6%	15%	12%	0%	6%
Бухоро	3%	13%	16%	4%	22%	18%	4%	7%	10%
Навоий	0%	6%	20%	17%	9%	26%	11%	3%	9%
Хоразм	5%	17%	19%	19%	7%	21%	7%	0%	5%
Қорақалпоғистон	0%	20%	11%	11%	31%	11%	3%	3%	9%
Тошкент шаҳри	3%	32%	2%	15%	23%	8%	8%	3%	6%

Қашқадарё (худудда сўров ўтказилган компанияларнинг 28 фоизи) ва Жиззах (24%) вилоятларида кишлоқ, балиқ ҳамда ўрмон хўжалигининг улуши юқори. Тошкент шаҳри (2 фоиз) ва Фарғона вилояти (6 фоиз) сўровда қатнашган ташкилотларнинг 7 фоиздан камроғи ушбу соҳага тегишли.

Фарғона, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Хоразм вилоятларида қурилиш тармоғи улуши бир хил даражада катта (сўралган компанияларнинг 17-19 фоизи). Қурилиш тармоғи Бухоро ва Сирдарё вилоятларида камроқ келтирилган (3-4%).

Савдо соҳасига тааллуқли ташкилотларнинг улуши Фарғона водийсининг барча худудларида ва Қорақалпоғистон Республикасида айниқса юқори. Бундай корхоналарнинг энг паст улуши Сурхондарё (6%), Навоий (9%) ва Хоразм (7%) вилоятларига тўғри келади.

Саноат соҳаси Фарғона ва Навоий вилоятларида (танланган компанияларнинг 25 фоиздан кўпроғи), Тошкент шаҳрида, Жиззах вилоятида ва Қорақалпоғистон Республикасида кенг тарқалган бўлиб, унинг улуши камраб олинган корхоналарнинг 12 фоиздан камроғини ташкил этади.

Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларида соғлиқни сақлаш билан боғлиқ ташкилотлар нисбатан кўп келтирилган. Ушбу соҳа ташкилотлари Андижон ва Сирдарё вилоятлари бўйича келтирилмаган.

Транспорт ва сақлаш соҳаси Тошкент ва Қашқадарё вилоятларидаги корхоналар орасида энг юқори фоизга эга (компанияларнинг 8-9 фоизи). Ушбу соҳа компаниялари Наманган, Жиззах, Хоразм ва Сурхондарё вилоятлари бўйича келтирилмаган.

Тураб жой ва овқатланиш хизматлари соҳасидаги корхоналарнинг улуши Сирдарё вилоятида қолган худудларга нисбатан анча катта (15%, бошқа вилоятларда бу кўрсаткич 11 фоиздан юқори эмас). Фарғона вилоятида ушбу соҳадаги компанияларнинг улуши энг кам (1%).

Компаниялар ёши

Тадқиқотда қатнашган ҳар ўнинчи (11%) ташкилот мамлакат бозорида катта тажрибага эга ва 1991 йилгача рўйхатдан ўтган. Ҳар учинчи ташкилот (34%) 1991 йилдан 2000 йилгача рўйхатдан ўтган. Компанияларнинг 26 фоизи ўз фаолиятини 2001 йилдан 2010 йилгача рўйхатдан ўтказган, корхоналарнинг 29 фоизи 2011 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда.

Маҳсулот сотиладиган бозорлар

Сўровда қатнашган корхоналарнинг 90 фоизи ички бозорда товар ва хизматларни сотади, компанияларнинг фақат 1 фоизи ташқи бозорга, 9 фоизга яқини ички ва ташқи бозорга йўналтирилган. Шаҳар жойларда маҳсулотини ташқи бозорда сотадиган корхоналар икки баравар кўп. Ҳам ички, ҳам ташқи бозорга йўналтирилган компаниялар шаҳар ва кишлоқларда бир хил миқдорда мавжуд.

Ташқи бозорга йўналтирилган корхоналарнинг улуши фақат Сирдарё (худуддан танланган компанияларнинг 7,7 фоизи), Жиззах (2,7%), Андижон (2,3%), Самарқанд (3,3%), Наманган (1,8%) вилоятларида ва Тошкент шаҳрида (1,1%) катта. Қолган худудларда фақат экспортга йўналтирилган компаниялар мавжуд эмас. Ҳам ички, ҳам ташқи бозорларга йўналтирилган компаниялар Қорақалпоғистондан ташқари барча худудларда келтирилган. Сурхондарё, Қашқадарё, Наманган, Фарғона, Тошкент ва Хоразм вилоятларида бундай компаниялар улуши 11-17 фоизни, бошқа вилоятларда 5-9 фоизни ташкил этади.

7-жадвал. Худудлар бўйича товар ва хизматларнинг асосий бозори

Маҳсулот сотиладиган асосий бозор	Ички бозор	Ташқи бозор	Ички ва ташқи бозорлар	Жами
Андижон вилояти	91%	2%	7%	100,00%
Фарғона вилояти	87%	0%	13%	100,00%
Наманган вилояти	85%	2%	13%	100,00%
Тошкент вилояти	89%	0%	11%	100,00%
Сирдарё вилояти	85%	8%	8%	100,00%
Жиззах вилояти	92%	3%	5%	100,00%
Самарқанд вилояти	90%	3%	7%	100,00%
Қашқадарё вилояти	88%	0%	12%	100,00%
Сурхондарё вилояти	83%	0%	17%	100,00%
Бухоро вилояти	93%	0%	7%	100,00%
Навоий вилояти	91%	0%	9%	100,00%
Хоразм вилояти	88%	0%	12%	100,00%
Қорақалпоғистон Республикаси	100%	0%	0%	100,00%
Тошкент шаҳри	93%	1%	6%	100,00%
Жами	90,0%	1,1%	8,9%	100,00%

Бир вақтнинг ўзида ички ва ташқи бозорга йўналтирилган компанияларнинг улуши юқори бўлган секторлар: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (тармоқ корхоналарининг 21 фоизи), саноат (17%), транспорт ва сақлаш (13%) сектори.

8-жадвал. Иқтисодий секторлари бўйича товарлар ва хизматлар сотиладиган асосий бозор


Маҳсулот сотиладиган асосий бозор	Ички бозор	Ташқи бозор	Ички ва ташқи бозорлар	Жами
Ахборот ва алоқа	100%	0%	0%	100,00%
Бошқа соҳалар	91%	1%	8%	100,00%
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	79%	0%	21%	100,00%
Қурилиш	96%	1%	3%	100,00%
Савдо	96%	1%	3%	100,00%
Саноат	80%	3%	17%	100,00%
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	93%	4%	4%	100,00%
Транспорт ва сақлаш	87%	0%	13%	100,00%
Турар жой ва овқатланиш хизматлари	96%	0%	4%	100,00%
Жами	90%	1%	9%	100,00%

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида компанияларнинг 4 фоизи ташқи савдо бозорини (тармоқлар бўйича энг юқори улуш), шунингдек иккала савдо бозорини ҳам асосий бозор деб билади. Ахборот ва алоқа тармоғида барча компаниялар ички бозорга йўналтирилган. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, транспорт ҳамда сақлаш, турар жой ва овқатланиш соҳаларида барча компаниялар ички ва ташқи бозорларга йўналтирилган.


Ташкилотларда доимий ишлайдиган ходимлар сони

Умуммиллий карантин чоралари эълон қилинган пайтда сўровда қатнашган 887 та корхонадан 406 тасида 1 нафардан 9 нафаргача ходим ишлаётган эди, фақат 35 та корхонада 500 ва ундан ортиқ ходим ишлаётган эди.

21-расм. COVID-19 муносабати билан профилактик тадбирлар эълон қилинган вақтда ташкилотларнинг доимий ходимлари сони




22-расм. Ташкилотлар доимий ходимларининг ҳудудлар бўйича сони



Ходимлар сони бўйича энг йирик корхоналар Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида рўйхатдан ўтган. Ушбу ҳудудлардан сўраб чиқилганларнинг тахминан 25 фоизи 100 дан ортиқ доимий ходимларни ёллаган. Нисбатан кичик ташкилотлар Жиззах ва Хоразм вилоятлари бўйича келтирилган. Ушбу ҳудудларнинг аксарият компанияларида (тегишлича 63% ва 68%) ходимлар сони 10 кишидан кам.

Транспортда ташиш ва сақлаш, саноат ва қурилиш соҳаларида ҳам ходимларининг умумий сони, ҳам доимий ходимларининг сони бўйича энг йирик ташкилотлар қайд этилган. Компанияларнинг 39 фоизи транспортда ташиш ва сақлаш секторида 100 дан ортиқ доимий ходимга эга, саноат соҳасида корхоналарнинг 32 фоизи ана шундай миқдорда доимий ходимга эга.

23-расм. Ташкилотлар доимий ходимларининг иқтисодиёт секторлари бўйича сони



Ходимлари сони 10 кишидан кам бўлган энг майда корхоналар ахборот ва алоқа, савдо, шунингдек соғлиқни сақлаш соҳасига тўғри келади.

Пандемиянинг Қорақалпоғистон Республикасидаги кичик ва ўрта корхоналар фаолиятига таъсири

Сўровда қатнашган 887 нафар респондентнинг 3 фоизи (35 та корхона) Қорақалпоғистон Республикасида рўйхатдан ўтган. Қуйида иктисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича корхоналар сони келтирилган:

- бошқа соҳалар — 7;
- қишлоқ, балиқ ва ўрмон хўжалиги — 4;
- қурилиш — 4 та;
- савдо — 11;
- саноат — 4;
- соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар — 1;
- транспорт ва сақлаш — 1;
- турар жой ва овқатланиш хизматлари — 3.

Пандемиянинг кичик ва ўрта корхоналар фаолиятига таъсири

Сўров натижаларига кўра Қорақалпоғистон Республикасидаги корхоналарнинг учдан икки қисми пандемия туфайли жорий этилган профилактика чоралари шароитида тадбиркорлик фаолиятини давом эттирди. Уларнинг бор-йўғи 9 фоизи карантин даврида ўз ходимларини тўлиқ масофадан ишлашга ўтказди. Респондентларнинг 83 фоизи ходимлар томонидан иш бажарилмаганлигини масофадан ишлашнинг асосий муаммоси сифатида қайд этди.

Респондентларнинг 74 фоизи профилактика тадбирлари давомида ходимларнинг иш ҳақи ўзгаришсиз қолганлигини ва бор-йўғи 11 фоизи иш ҳақи 2 фоиздан камроққа камайтирилганлигини таъкидлади. Кейинги 30 кундаги талабга келсак, Қорақалпоғистон Республикасидаги кичик ва ўрта корхона вакилларининг 32 фоизи бирор-бир ўзгаришларни сезмади, 24 фоизи ўзгаришлар бўлганлигини маълум қилди. Карантин даврида солиқ тўловлари (31%), сотиб олишга сарфланадиган харажатлар (23%) ва транспорт харажатлари (20%) энг жиддий муаммолар сифати қайд этилди. Бироқ ташкилотларнинг 31 фоизи ҳеч қандай муаммога дуч келмаганлигини билдирди.

Кичик ва ўрта корхоналарнинг муносабати

Қорақалпоғистон Республикасидан қатнашган респондентларнинг учдан икки қисми карантин даврида етказиб берувчилар билан ўзаро алоқаларини ўзгартирмади, атиги 9 фоизи янги етказиб берувчиларни излашга тўғри келди. Шунингдек, профилактика чоралари даврида корхоналарнинг харажатларни камайтириш бўйича сиёсати ўзгаришсиз қолди (74%) ва респондентларнинг тахминан 9 фоизигина иш ҳақи, қўшимча тўловлар қисқартирилганлигини ва айрим ишлаб чиқариш линиялари тўхтатилганлигини маълум қилди.

Ташкилотларнинг маҳсулот сотиладиган бозор бўйича фаолияти ҳам сезиларли ўзгаришларга дуч келмади (69%), бироқ баъзи жойларда товарлар ва хизматлар нархлари пасайиши кузатилди (9%).

Кичик ва ўрта корхоналарни ташқи қўллаб-қувватлаш

Ушбу бўлимда карантин даврида ҳукумат томонидан кўрилган чора-тадбирларга берилган баҳолар келтирилади. Хусусан, корхоналар ҳукуматнинг қуйидаги чора-тадбирларини баҳолай олди:

- Бир йилга кредит таътиллари.
- Бир йилга солиқ таътиллари.

- Давлат кафолатларини бир йилга узайтириш.
- Давлат активлари учун ижара ҳақини бир йилга тўхтатиш.
- Қисқа муддатли кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг сезиларли даражада (20-50 фоизгача) пасайтирилиши (узиш муддати бир йилгача).
- Давлат активлари ижара ҳақининг керакли даврга сезиларли даражада (20-50 фоизга) пасайтирилиши.
- Ижтимоий ажратмалар ва меҳнат даромадлари учун солиқларнинг керакли даврга сезиларли даражада (20-50 фоизга) пасайтирилиши.
- ҚҚС, акциз солиғи, даромад / дивиденд / мол-мулк солиқларининг керакли даврга сезиларли даражада (20-50 фоизга) пасайтирилиши (20-50 фоизгача).
- Божхона тарифларини сезиларли даражада ошириш орқали импортдан ҳимоя қилиш (маҳаллий компаниялар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун).
- Агар корхоналар катта зарар кўрган бўлса (банкротлик арафасида бўлса), бизнесни қўллаб-қувватлаш учун субсидиялар (грантлар).
- Компанияларнинг ёлланма ходимлари учун ҳукумат томонидан бир марталик (қарийб 5 млн сўм миқдорида) ижтимоий ёрдам тўлови.
- Ёлланма ходимлар учун солиқ таътиллари.

Қуйидагилар нисбатан **юқори самарали** чора-тадбирлар (40 фоиздан кўп) бўлди:

- Қисқа муддатли кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг сезиларли даражада (20-50 фоизгача) пасайтирилиши (узиш муддати бир йилгача) — корхоналарнинг 60 фоизи.
- Давлат активлари ижара ҳақининг керакли даврга сезиларли даражада (20-50 фоизга) пасайтирилиши — корхоналарнинг 46 фоизи.
- Ижтимоий ажратмалар ва меҳнат даромадлари учун солиқларнинг керакли даврга сезиларли даражада (20-50 фоизга) пасайтирилиши — корхоналарнинг 40 фоизи.
- ҚҚС, акциз солиғи, даромад / дивиденд / мол-мулк солиқларининг керакли даврга сезиларли даражада (20-50 фоизга) пасайтирилиши — корхоналарнинг 54 фоизи.
- Агар корхоналар катта зарар кўрган бўлса (банкротлик арафасида бўлса), бизнесни қўллаб-қувватлаш учун субсидиялар (грантлар) — корхоналарнинг 69 фоизи.
- Компанияларнинг ёлланма ходимлари учун ҳукумат томонидан бир марталик (қарийб 5 млн сўм миқдорида) ижтимоий ёрдам тўлови — корхоналарнинг 49 фоизи.
- Ёлланма ходимлар учун солиқ таътиллари — корхоналарнинг 40 фоизи.

Самарали чора-тадбирлар рўйхатига (40 фоиздан ортиқ) қуйидаги чора-тадбирлар кирди:

- Бир йилга кредит таътиллари — корхоналарнинг 46 фоизи.
- Бир йилга солиқ таътиллари — корхоналарнинг 40 фоизи.

Бир йиллик солиқ таътиллари (20%) ва ёлланма ходимлар учун солиқ таътиллари (20%) бўйичагина чора-тадбирлар кўпнча “самарасиз” деб таърифланди.

Кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун зарур чоралар

Нисбатан кўп сонли тадбиркорлар ҳозирги вақтда улар қисқа муддатли айланма маблағларга (40%) ва солиқ имтиёзларига (46%) муҳтожлигини қайд этди. Респондентлар шунингдек кредитлар бўйича фоиз ставкаларини пасайтириш (22,9%), транспорт хизматлари (11%) ва етказма занжирини мувофиқлаштириш сиёсати (11%) каби ёрдамни қайд этди.